БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 25 (17.605). • 31 январь 1980 йил, пайшанба • Баҳоси 2 тийин.

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТАРАДДУДИ

СССР 50 йиллиги номли Сирдарё ГРЭСининг қурувчилари ва фойдаланувчилари москваликлларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, 19 апрель куни коммунистик шанбалиини зарбдор меҳнат билан нишонлашга қарор қилдилар. Шу куни 9-энергетика блокини монтаж қилиш смена топшириғини ошириб бажариш мўлжаллаимоқда. Бу блокни Улуғ Октябрнинг 63 йиллигигача қуриб битказиб, ишга тушириш режалаштирилган.

* * *

Ленин номидаги Самарқанд «Красный двигатель» заводнинг коллективи шанбалиида ленинчасига ишлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Умиичи механика цехида «19 апрель куни энг юқори меҳнат унумдорлигига эришамиз» деган шиор пайдо бўлди. Илғор коллектив 22 апрелгача маҳсулот ишлаб чиқариш тўрт ойлик планини бажариш мажбуриятини олди. Пландан ташқари ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг ҳаммаси тежалган материал ва электр энергия ҳисобига тайёрланади.

РЕСПУБЛИКА ИШЧИЛАРИНИНГ УЛКАН МАРРАЛАРИ



Республика ишчилар синфи 1980 йилда пландан ташқари 100 миллион кубометр газ;

* * *

Планга қўшимча равишда 100 та пахта териш машинаси, 500 та Т28х4 типидаги трактор, 500 та ОВХ-28 пуркагичнинг тажриба туркуми, 90 та тупроққа гербицид соладиган мослама, 100 та трактор сеялкаси ишлаб чиқариш;

* * *



180 тадан кўпроқ автомат линия ва механизациялашган поток линияни ишга туширш;

* * *

Маҳсулотларнинг 500 турини давлат Сифат белгиси олиши учун аттестациядан ўтказиш;

* * *

Йиллик топшириқда белгиланганидан 300 минг тонна кўп халқ хўжалик юкларини темир йўл транспортида ташиш мажбуриятини олдилар.

ИНДУСТРИЯМИЗНИНГ УЛКАН РЕЖАЛАРИ

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби республикамиз меҳнат аҳли ҳам ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилини зўр сиёсий активлик вазиятида, коммунистик қурилишнинг барча жабҳаларида ҳар қачонгидан юксак натижаларга эришиш учун ғайратшижоатга тўлиб-тошган ҳолда бошлади. КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми қарорлари ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг ушбу Пленумда сўзлаган нутқида берилган кўрсатмаларга жавобан меҳнат коллективларида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, давлат план топшириқларини ортиғи билан адо этиб, мамлакатимизнинг иқтисодий ва социал тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш учун оммавий ҳаракат тобора кенг тус олаётир.

Бу умумхалқ ҳаракатида саноат корхоналарининг, транспорт ва алоқа ташкилотларининг, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат тармоқларининг, илмий ва лойиҳалаш-конструкторлик муассасаларининг коллективлари ҳам алоҳида ибрат кўрсатмоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарори уларнинг меҳнат ғайратини янада жўш урдириб юборди. Ўзбекистон индустриясининг меҳнаткашлари 1980 йилни ютуқларга бой йилга, ленинчасига зарбдорларча ишлаш йилига айлантиришга аҳду паймон қилганлар. Кеча матбуотда республикамиз саноатчилари, транспортчилари, алоқачилари, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, илмий ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари ходимларининг ўнинчи беш йиллиги якунловчи йили учун социалистик мажбуриятлари эълон қилинди.

Саноатимиз ходимлари, айниқса, юксак марраларни кўзламоқдалар. Улар ишлаб чиқариш самарадорлигини, ишчи сифати ва меҳнат унумдорлигини ошириш, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этиш, реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш учун ҳаракатни кенгайтириш, мавжуд резервлардан ва ишлаб чиқариш қувватларидан тоғат тўлиқ фойдаланиш, хом ашё ва материалларни тежаб-тергаб сарфлаш асосида маҳсулот ҳажми ва уни реализация қилиш ҳамда буюмларнинг кўпчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан йиллик планни муддатидан анча илгари — 26 декабрда бажаришга аҳд қилдилар.

Республикамизда бу йил пландан ташқари 100 миллион кубометр газ, 110 минг тонна кўмир қазиб олиниши, 90 минг тонна минерал ўғит, 2,6 минг тонна прокат, 16,5 минг тонна пахта толаси ишлаб чиқарилиши, 560 минг погон метр шойи газлама тўқиб чиқарилиши, 400 минг жуфт чарм пойафзал, 76 минтта трикотаж буюм ва 400 минг жуфт пайпоқ ҳамда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши керак. Умуман саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ўтган йилдагига нисбатан 7,5 процент ўстириш ва йиллик планга қўшимча равишда 200 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиннишига эришиш — республикамиз индустрияси ходимларининг бу йилги жанговар шиоридир. Бу юксак марраии эгаллаш учун улар ҳамма жойда ишни яхши ташкил этиб, план ва технология интизомига қатъий амал қилиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва ҳар бир ишловчининг меҳнат унумдорлигини кескин ошириш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 75 процентига шу йўл билан эришишни мўлжалламоқдалар. Гўшт ва сут саноати, Мебель ва ёғочсозлик саноати министрликларига қарашли корхоналарда эса бу кўрсаткич 85 процентга етказилади.

Саноат корхоналари фаолиятида бунчалик катта марраларнинг белгиланаётганлиги эндиликда одатдаги бир ҳол бўлиб қолди. Бинобарин, бу кейинги йилларда корхоналарни замонавий техника ва ўскуналар билан қайта қуроллантириш, янги технология ва илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ишлари тобора кенг кўламларда олиб борилаётганлигининг самарасидир. Бу йил 180 тадан кўпроқ автомат ва механизациялашган поток линияларини ишга туширш, шунингдек янги, илғор технология жараёнларини жорий этиш ҳисобига кўп меҳнатнинг салмоғи кескин камайтирилади ва планга қўшимча 37 миллион сўмдан кўпроқ фойда олинади. Айрим корхоналарда, жумладан В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Наванавзот» ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этиш йўли билан камида 2—2,5 миллион сўмлик иқтисодий самара олиш мўлжалланмоқда.

Транспорт ва алоқа ходимлари аҳолининг ва халқ хўжалигининг юк ташиш ва алоқа воситаларига бўлган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш учун иш самарадорлигини кескин ошириш, юк ташиш таннархини планга нисбатан 0,1 процент камайтириш чораларини кўрмоқдалар. Транспортчилар бу йил қабул қилган мажбуриятларинг ўзига хос алоқида хусусияти шундан иборатки, автомобиль транспортида ишни ташкил этишнинг прогрессив усули — пудрат усулида юк ташиш кенг тус олади ва йиллик юк ташиш умумий ҳажмининг 23 процента ана шу илғор усулда ташилади. Умуман, автотранспортда юк автомобилларни ҳайдовчиларнинг 80 та бригадасида, автобус ҳайдовчиларнинг 15 та бригадасида иш бекободлик ҳайдовчи Ҳ. Абдужабборов тажрибаси асосида бригада пудрати усулида ташкил қилинади.

Партия ва ҳукуматимиз шаҳар ва қишлоқларда савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини кескин ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб, бундай хизмат шохобчаларини кенгайтириш чораларини кўриб келмоқда. Республикамизда аҳолининг турмуш маданияти ва фаровонлигини ўстириш юзасидан изчиллик билан амалга ошириб келинаётган ташкилий-сиёсий ва хўжалик тадбирлари туфайли давлат ва кооператив савдоси шохобчалари, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тобора кўпайиб, хизмат кўрсатиш ҳажми ва маданияти ошиб бормоқда. Бунда мазкур соҳа ходимларининг хизмати беқиёс каттадир. Улар бу йил учун ҳам юксак мажбуриятлар олишган; аҳолига йиллик пландан ташқари 48 миллион сўмлик мол сотиладиган, ўз-ўзига хизмат қилиш методи билан реализация қилинадиган моллар салмоғи давлат савдосида 60 процентга, матлубот кооперациясида 91 процентга етказилади, аҳолига пландан ортиқча 2.6 миллион сўмлик маиший хизмат кўрсатилади.

1980 йил фақат ўнинчи беш йиллиикнинг якунловчи йилигина бўлиб қолмай, шу билан бирга навбатдаги беш йиллик учун негиз тайёрлаб берадиган бир босқич ҳамдир. Айни чоғда бу йил доҳиймиз Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги нишонланадиган, унинг даҳоси билан барпо этилган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съездига актив тайёргарлик кўриладиган йил ҳамдир. Биргина шу фактнинг ўзи ҳам бу йил учун қабул қилинган мажбуриятларни бажариш ва ошириб бажариш юзасидан ҳар биримизнинг зиммамизга янада каттароқ масъулият юклайди. Шу кеча-кундузда республикамизнинг турли бурчакларида Ўзбекистон ССР Олий Советига ва маҳаллий Советларга депутатликка номзодлар билан учрашувларда меҳнат аҳлининг бу юксак аҳди янада баландроқ жаранглмоқда.

Саноат ходимлари, транспортчилар, алоқачилар, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари меҳнаткашлари намояндаларининг республика партия-хўжалик активи йиғилишида алоҳида таъкидланганидек, бу мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши учун ҳар бир тармоқда, ҳар бир коллективда, ҳар бир иш жойида мавжуд ишлаб чиқариш резервларини собитқадамлик билан қидириб топиш ва ишга солиш жуда муҳимдир. Халқ хўжалигида тежамкорлик учун кураш янада кучайтирилиши, ҳар бир сўм капитал маблағ эвазига кўпроқ фойда олиш учун ишлаб чиқаришни бошқариш даражасини янада кўтариш лозим.

Маҳаллий партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари меҳнат коллективларида олинган мажбуриятларни бажариш юзасидан тегишли барча ташкилий, сиёсий-тарбиявий ва хўжалик тадбирларини амалга оширишлари, корхоналар ва ташкилотлар фаолиятига баҳо беришда сўз билан иш бирлиги принципини асосий мезон қилиб олишлари керак. Социалистик мажбуриятларни бажариш ҳамма жойда ҳар бир меҳнат аҳлининг муқаддас бурчига, шон-шараф ишига айланмоғи керак.

24 ФЕВРАЛЬ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ САЙЛОВОЛДИ ЙИҒИЛИШЛАРИ

ХАЛҚ БИЛАН ПАРТИЯ ЯКДИЛ

Сайловчиларнинг Ш. Р. Рашидов билан учрашуви

РЕСПУБЛИКАМИЗ меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида янада юксак марраларни забт этишга киришдилар. Ўзбекистон ССР Олий Советига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига бўладиган сайловга тайёргарлик Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқлари меҳнатчиларининг ижодий куч-ғайратини, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш иштиёқини кучайтириб юборди.

30 январь куни Андижон область Москва районидаги Охунбобоев номли колхозда Пахтаобод сайлов округи сайловчиларининг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов билан учрашуви бўлиб ўтди.

Йиғилишни Москва район партия комитетининг биринчи секретари Н. Турсунов очди.

Йиғилиш аҳли КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини яқдиллик ва баланд руҳ билан фахрий президиумга сайлади.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — Москва районидаги Фрунзе номли колхоз бригадири У. Даданжонов Шароф Рашидович Рашидовнинг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолиятини таърифлаб берди, барча сайловчиларни сайлов куни коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун яқдиллик билан овоз беришга чақирди.

Учрашувда район оналар ва болалар касалхонасининг врачи Л. И. Ушатова, колхозлараро коммунал хизмат комбинатининг ишчиси Ғ. Ғуломов, Ўрта Шаҳрихон қишлоқ Советининг раиси Т. Зойидбоева, 28-ўрта мактаб ўқитувчиси А. Солибоев, меҳнат ветерани М. Садиров, Охунбобоев номли колхоз раиси А. Мирзаматов, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов сўзга чиқдилар. Улар депутатликка номзоднинг Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби, ҳақиқий интернационалист эканини тавсифлаб бердилар, совет кишиларининг меҳнатдаги буюк зафарлари тўғрисида, кўп миллатли мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлиги ҳақида ифтихор билан гапирдилар. Совет Ўзбекистонининг меҳнаткашлари Коммунистик партиянинг, ленинчи Марказий Комитетнинг, ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг ишчи ва ташқи сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқдалар, деб таъкидлашди нотиқлар. 24 февраль куни улар ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг энг яхши намояндалари учун овоз бериб, партия билан халқнинг бузилмас бирлигини яна бир карра намойиш этадилар.

Учрашув қатнашчилари округ меҳнатчилари В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдирадилар, тугалловчи йил тошириқларини ва умуман беш йилликни муваффақиятли бажарадилар, деб партия билан ҳукуматга астойдил ваъда бердилар.

Йиғилишда самимий кутиб олинган ўртоқ Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Аввало менга катта шараф билдириб, мени Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатганлигингиз учун, деди у, сизларга ва сизлар орқали Пахтаобод сайлов округининг ташкилотлари ва коллективларига, барча сайловчиларига чин кўнгилдан, астойдил миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Бу — бизнинг биринчи сайловолди учрашувимиз эмас. Мен ҳар галгидек бу гал ҳам сизларга сайловчиларнинг юксак ишончини оқлаш учун ҳамма ишни қиламан, деб зўр миннатдорчилик туйғуси билан ваъда бермоқчиман. Мен бу ишончни Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг доно ички ва ташқи сиёсатини, Марказий Комитет ва унинг улуғ Ленин ишини муносиб давом эттиратган, тинчлик ва халқлар бахт-саодати учун оташин курашчи, азиз Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюроси фаолиятини яқдиллик билан маъқуллаш ифодаси деб, партия билан халқ мустаҳкам бирлигининг ёркин далили деб биламан.

Округнинг сайлов участкаларида актив иш олиб борган агитаторларга ва ишончли вакилларга, бу ерда сўзга чиққан барча ўртоқларга менинг шаънимга айтган самимий сўзлари учун сидқидилдан ташаккур изҳор этаман.

Мамлакатимизда давлат ҳокимиятининг органларига сайлов ҳамиша ҳам катта сиёсий аҳамиятга молик воқеа сифатида баланд руҳ билан байрамона вазиятда ўтади. Бу галги сайлов кампанияси ҳам жуда муҳим воқеадир. Бу кампания бутун совет халқи, бутун тараққийпарвар инсоният улуғ Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини ва КПССнинг бўлажак XXVI съездини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўраётган даврда ўтмоқда.

Яхши анъанага кўра, ҳамма жойда сайловга тайёргарлик даврида Советларнинг ишларига якун ясалади, ҳал этилмаган масалалар тўғрисида, хўжалик ва маданий қурилишнинг янги вазифалари ҳақида амалий равишда батафсил гаплашиб олинади. Мен мамлакатимизда яхши сиёсий ва меҳнат муҳити ҳукм суриб турганлигини алоҳида мамнуният билан айтиб ўтмоқчиман. Совет кишилари эртанги кунга хотиржамлик ва комил ишонч билан назар ташламоқдалар, осойишта ҳаёт кечирмоқдалар, янги-янги режаларни тузиб, уларни бажариш учун жонбозлик билан ишламоқдалар. Совет Иттифоқининг халқаро позициялари янада мустаҳкамланди.

КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги ўз тезисларида ва марксча-ленинча ҳаққоний таҳлил кучи билан программа тусини олган нутқи қозирги сайловолди кампанияси алоҳида руҳ бағишлади. Леонид Ильич ўз нутқида партия билан совет халқининг шу беш йилликдаги фаолиятини якунлади, мамлакат экономикасини янада юксалтиришнинг, халқ фаровонлигини оширишнинг туб проблемаларини асослаб берди.

Мамлакат ишчилар синфи, деҳқонлари, халқ зиёлилари партия раҳбарлигида КПСС XXV съезди ўртага қўйган тарихий вазифаларни амалга оширишда ажойиб муваффақиятларга эришганликларини Пленум таъкидлаб ўтди. Беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида Совет давлатининг иқтисодий қудрати беқиёс ўсди. Миллий даромад анча кўпайди. Саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришда янги марралар эгаллади, бу эса социал программани планли равишда ҳал этиш, совет халқининг турмуш даражасини яхшилаш имконини берди.

Шу билан бирга Пленумда бир қанча министрликлар ва идораларнинг ишидаги катта-катта камчилик ва нуқсонлар очиб ташланди. Леонид Ильич мана шу камчиликларнинг илдизлари ва сабабларини ленинча принципиаллик билан таҳлил этди, бу нуқсонларни тугатиш тўғрисида, экономикага раҳбарликни такомиллаштириш, халқ хўжалиги барча тармоқларини янада жадал ривожлантиришни таъминлаш йўллари ва усуллари ҳақида конкрет йўл-йўриқлар берди.

Партия мамлакат меҳнаткашларига мурожаат этиб, 1980 йилни зарбдорларча ишлаш йилига, ленинча ишлаш йилига айлантиришга, шу тариқа беш йилликни муваффақиятли якунлашга даъват қилди. Бу даъват совет кишиларининг қалбларида зўр акс-садо бўлиб янгради, уни барча меҳнат коллективлари қўллаб-қувватладилар.

Келгусида зўр ғайрат билан кўп иш қилишимиз лозим. Партия ва ҳукумат хўжалик механизмини такомиллаштириш юзасидан қатъий чораларни кўрмоқдалар. Биринчи навбатда — хом ашё базасини, энергетикани, металлургияни, машинасозликни, химия саноатини ва саноатнинг бошқа тармоқларини янада жадал ривожлантириш белгиланди. Транспорт ишини имкони борича яхшилаш, капитал қурилиш суръатлари ва сифатини ошириш, иқтисод ва тежамкорлик вазифалари қўйилди. Одамларни юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, кўплаб талаб қилинаётган буюмларнинг зарур турлари билан етарли равишда таъминлашдан иборат мураккаб ва муҳим масала ҳам ҳал қилиниши керак.

Ана шу вазифаларнинг ҳар бири КПССнинг халқ фаровонлигини ҳар томонлама юксалтиришга қаратилган йўлини амалга ошириш билан бевосита боғланган. Шу сабабли партия ҳар биримизни бу муҳим ишга ўз меҳнатимиз билан астойдил ҳисса қўшишга, ҳамиша ва ҳар ишда чинакам ленинча ишчанлик, омилкорлик ва масъулият, интизом ва уюшқоқлик кўрсатишга чақирмоқда. Барча Советлар, ҳамма партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари бу ҳақда алоҳида ғамхўрлик қилишлари лозим.

Ўртоқлар! Совет Социалистик Ўзбекистони ҳам бутун мамлакат билан бирга шаҳдам одим ташлаб олга бормоқда. Республиканинг ҳамма ютуқларида, барча муваффақиятларида бутун совет халқининг, ва аввало, улуғ рус халқининг қардошларча ёрдами яққол намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XV пленуми, сўнгра республика Олий Советининг сессияси беш йиллиикнинг ўтган йиллари мобайнидаги ишимизнинг якунларини ҳамда Ўзбекистон ССР-ни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1980 йилги планларини кўриб чиқдилар.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон экономикаси кенг миқёс касб этиб, юксак суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Республикада қудратли ишлаб чиқариш, энергетика ва илмий-техника тараққиёти учун кенг имкониятлар вужудга келтирилган. Шу имкониятлардан фойдаланиб, экономиканинг йил сайин жадал ўсиши таъминланмоқда. Бултур саноат маҳсулотининг ҳажми 1975 йилга нисбатан 20 процент кўпайди, шу жумладан машинасозлик ва металл ишлашда 42 процент, қора металлургияда 54 процент ва химия саноатида 32 процент ўсиш бўлди. Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш анча ошди ва буларнинг турлари кўпайди. Сайловчиларнинг аввалги сайловлардаги наказларида мана шунга жуда катта эътибор берилган эди.

Биз экономикани ривожлантиришнинг интенсив омилларини кучайтиришга, ишлаб чиқаришни бошқаришни, ихтисослаштириш ва концентрациялашни такомиллаштиришга, уни замонавий фан-техника асосида бошқаришга алоҳида аҳамият берямиз. Иш самарадорлиги ва сифатини оширишга ҳамма имкониятларимиз ва резервларимиздан ишнинг кўзини билиб, оқилона фойдаланишга қатъиян амал қилинмоқда.

Планлар барча энг муҳим кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарилди. Ўтган йили ялпи ижтимоий маҳсулот қариб тўрт процент кўпайиб, 31,6 миллиард сўмликка етди: Миллий даромад муттасил ошмоқда. Миллий даромаднинг 75 процент бош вазифани ҳал этишга, яъни меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишга сарфланди. Сифат белгиси қўйилган маҳсулотлар миқдори кўпайди.

(Давоми иккинчи бетда).

ВАТАН БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ Э. А. ШЕВАРДНАДЗЕ БИЛАН УЧРАШУВИ

Грузия меҳнаткашлари республика Олий Советига ва маҳаллий Советларга ўтказиладиган сайловни Коммунистик партия тезарагида маҳкам жипслашган ҳолда кутиб олмоқдалар. 29 январь куни Рухи сайлов округи сайловчиларининг Грузия ССР Олий Совети депутатлигига номзод — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Эдуард Амвросиевич Шеварднадзе билан учрашуви бўлди.

Йиғилиш қатнашчилари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини яқдиллик билан фахрий президиумга сайладилар.

Ишончли вакил — Рике қишлоғидаги колхоз зоотехниги Т. Н. Пацация депутатликка номзоднинг меҳнат фаолияти тўғрисида сўзлади. Округнинг барча сайловчиларини сайлов куни КПСС ва Совет давлатининг ички ҳамда ташқи сиёсати учун яқдиллик билан овоз беришга чақирди.

Учрашувда Рухи қишлоғидаги «Сакартвело» колхози правлениесининг раиси З. Л. Тодуа, шу хўжаликнинг чойкори Г. Д. Чагинава, Зедазцерий қишлоқ хўжалик техникумининг студенти М. Г. Кодуа ва бошқалар Зугдиди райони меҳнаткашлари олдида турган юксак ва масъулиятли вазифалар тўғрисида, беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақада меҳнаткашлар эришган муваффақиятлар ҳақида гапирдилар.

Йиғилиш қатнашчилари самимий кутиб олган Э. А. Шеварднадзе нутқ сўзлади. Совет Грузиясининг меҳнаткашлари, деди у, сайловни кутиб ола туриб, КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш ишида янги меҳнат зафарларига эришганликлари тўғрисида партияга, халққа, Ватанга рапорт бермоқдалар, партиянинг ленинча йўлини астойдил тўла-тўкис ва батамом қўллаб-қувватламоқдалар. Ўнинчи беш йиллик — самарадорлик ва сифат беш йиллигининг якунловчи йилини янги меҳнат ғалабалари билан нишонлашга, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олишга ваъда бермоқдалар.

Ўн биринчи ва ўн иккинчи беш йилликларда яқин келажакда Грузия олдида иқтисодий ва социал ривожланишнинг порлоқ истиқболлари очилмоқда. Буларнинг ҳаммаси КПСС ленинча миллий сиёсатининг самаралари, совет турмуш тарзининг, пролетар интернационализми, социалистик интернационализмнинг, халқлар ленинча дўстлигининг — Октябрь буюк ғалабаларининг самарасидир. Буларнинг ҳаммаси Совет Грузияси тўғрисида, мамлакатнинг барча иттифоқдош республикалари тўғрисида чинакам ленинча ғамхўрлик қилинаётганлигининг натижасидир.

Грузия меҳнаткашлари, деди нотиқ, Советлар мамлакатининг доно ленинча ички ва ташқи сиёсати учун партияга, Сиёсий бюрога, ўртоқ Леонид Ильич Брежневга сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этадилар ва иттифоқдош республикалар Олий Советларига бўлажак сайлов тузумимизнинг шуҳасиз афзалликларини, социалистик демократия тантанасини, етук, ривожланган социализмнинг экономикаси ҳамда маданиятини бутун дунёга намойиш этади, деб ишонч билдирадилар.

(ТАСС).

ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИ— ХАЛҚ РЕЖАЛАРИ

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ И. В. КАПИТОНОВ БИЛАН УЧРАШУВИ

Совет кишиларининг сиёсий активлиги ўсмоқда — улар мамлакатда рўй бераётган ишларнинг ҳаммасига дахлдор эканликларини чуқур англайдилар, жамиятнинг ҳамма ишларига хўжайинларча талабчанлик билан қарайдилар, партия планларини амалга ошириш учун матонат билан курашмоқдалар. Сайловга тайёргарликнинг борили, меҳнаткашларнинг депутатликка номзодлар билан учрашувлари шундан яққол далолат беради.

Москва областининг индустриал маркази — Подольск шаҳрида 30 январь куни Подольск шаҳар сайлов округи сайловчиларининг РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод КПСС Марказий Комитетининг секретари Иван Васильевич Капитонов билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув қатнашчилари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини фаолиятини бутун халқ маъқуллаётганлигини яққол намойиш этмоқда.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — М. Н. Калинин номли механика заводининг сайқалловчиси Н. Е. Чивикова минбарга чиқади. У И. В. Капитоновнинг ҳаёт йўли тўғрисида сўзлаб берди.

Учрашувда Оржоникидзе номли машинасозлик заводининг директори А. И. Чернок, 1-Мособлстрой тресті 1-қурилиш-монтаж бошқармаси ишт терувчиларининг бригадири В. Ф. Тимошченко, 24-мактаб ўқитувчиси Э. В. Шведова ва бошқалар совет кишиларининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати юксалганлиги тўғрисида, улар зарбдор, фидокорона меҳнатлари билан Ватан қудратини мустаҳкамлашга интилаётганликлари тўғрисида гапирдилар.

Йиғилиш аҳли самимий кутиб олган И. В. Капитонов нутқ сўзлади. У таъкидлаб айтдики, сайловга тайёргарлик партия сиёсатини, КПСС ва давлатнинг синалган раҳбари, матонатли марксчи-ленинчи, коммунизм учун оташин курашчи ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — М. Н. Калинин номли механика заводининг сайқалловчиси Н. Е. Чивикова минбарга чиқди

ХАЛҚ БИЛАН ПАРТИЯ ЯКДИЛ

(Боши биринчи бетда).

Капитал қурилишда беш миллиард сўмликдан кўпроқ асосий фондлар ишга туширилди ёки асосий фондлар бир йил ичида 12 процент кўпайди. Ҳосилгги беш йилликда ҳаммаси бўлиб республикада 70 та йирик саноат ва ишлаб чиқариш корхонаси қуриб битказилди, 372 минг гектар янги ер экинзорга айлантирилди. Ўтган йилнинг ўзидагина 5,6 миллион квадрат метр уй-жой, 159 минг ўринли мактаблар, 51 минг ўринли болалар боғчалари ва яслилари қурилди. Беш йиллик бошлангандан бери салкам 400 минг шинам квартира, юзлаб мактаблар, касалхоналар, клублар, магазинлар ва бошқа маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилди. Мана шуларнинг ҳаммасида Ленин партиясининг меҳнат аҳли тўғрисидаги, унинг сиҳат-саломатлиги ва фаровонлиги ҳақидаги чинакам ғамхўрлиги ўз ифодасини топган.

Беш йилликнинг социал программаси ҳамиша бўлганидек илдам бажарилмоқда. Бу — бизнинг энг муҳим иш принципимиз бўлиб қолган. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар пландаги 11,4 процент ўрнига 12,8 процент кўпайди. Товар оборотининг ва маиший хизмат ҳажми ошди.

Дала ва фермаларнинг меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришга киришиб, кўпдан-кўп проблемаларни ҳал этишга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш учун пухта замин яратишга муваффақ бўлдилар. Аввало биз пахтачиликни муттасил ривожлантиришга эришдик. Ҳатто ўтган йилнинг бениҳоя қийин шароитларида ҳам республика пахтакорлари эл-юрт олдидаги ўз ватанпарварлик бурчларини шараф билан бажардилар. 5 миллион 762 минг тонна рекорд пахта ҳосили териб олинди.

КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг ёрдами ва доимий ғамхўрлиги, республика қишлоқ хўжалигининг қудратли моддий-техника базаси вужудга келтирилганлиги, ажойиб пахтакорларимизнинг маҳорати, партия ва совет органларининг пухта ўйлаб қилган ҳаракатлари ва муваффақиятга эришишда ҳал қилувчи роль ўйнади. Ҳосилдорлик соҳасида рекорд даражага эришилди — гектар бошига 31,3 центнер пахта олинди. Ҳосилнинг 62 проценти машинада терилди.

Пахтакорларнинг чинакам баҳодирона жасоратида республика ишчилари, инженер-техник ходимлари, олимлар, студентлари ва ўқувчиларининг қаҳрамонона меҳнат билан қўшган улушлари ҳам бор. Уларнинг қишлоққа астойдил берган ёрдами сиёсий етуклик ва онглилик, партия ишига садоқат далилидир.

Фарғона водийсида, шу жумладан Андижон областида, айниқса, қийин шароит вужудга келди. Андижонликлар, шунингдек, Москва районининг пахтакорлари ҳам пахта етиштириш ва тайёрлаш юзасидан белгиланган планларни бажаришга муваффақ бўла олмадилар. Аммо улар юксак уюшқоқлик ва интизом намунасини кўрсатдилар, ҳар бир килограмм пахта учун курашдилар, бу курашни пировардигача олиб бордилар ва Ўзбекистон пахтакорларининг меҳнатдаги катта ғалабасига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Беш йилликнинг тўрт йили мобайнида барча меҳнат коллективлари янги марраларга эришдилар. Бу жуда соз. Партия бизни дадлабабозлик ва шовқин-суронга йўл қўймасликка, балки эришилган натижаларга ўз-ўзини таниқ қўзи билан қараб, юксак талабчанлик позициясида туриб баҳо беришга ўргатади. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумида ҳам шу нарса таъкидлаб ўтилди.

Беш йилликнинг тўрт йили ва бултурги ишимизнинг натижаларини мана шу позициялардан туриб таҳлил этадиган бўлсак, кўпгина корхона ва ташкилотларимиз, колхоз ва совхозларимиз анча юксак кўрсаткичларга эришдилар, янада самарали ва сифатли ишлай бошладилар.

Республикаларга бир талай корхоналар белгиланган топшириқларни энг муҳим кўрсаткичлар бўйича бажаришмаяпти. Капитал қурилишда объектлар ҳамон белгиланган муддатда битказилмаяпти, иш сифатининг пасайишига йўл қўйиляпти. Транспорт ва алоқа ишида камчиликлар бор. Уюшқоқсизлик, меҳнат интизомининг заифлиги, юксак пировард натижаларга эришиш билмаслик ана шу камчиликларнинг сабаби эканини турмуш кўрсатиб турибди.

Аҳолини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашда ҳали ҳам қийинчиликлар бор. Ип газлама, сариёғ, сабзавот, мева ишлаб чиқариш ва етиштириш тез кўпайиб бораётган бўлса ҳам, уларнинг сифати пастлиги ва баъзан етишмай қолаётганлиги тўғрисида шикоятлар тушмоқда. Пойафзал, кийим-кечак, бошқа кенг истеъмол молларининг сифати пастлиги тўғрисида кўп таъналар айтилмоқда. Биз ана шундай камчиликларга муросасозлик билан қарай олмаймиз ва қарамаслигимиз керак. Мана шу ҳамма камчиликларни тугатиш республика партия ва совет органларининг, хўжалик раҳбарлари ва бутун жамоатчиликнинг биринчи даражали вазифасидир.

Беш йилликнинг тугалловчи йилида республика олдида мураккаб вазифалар турибди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни 7 процент, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришни 5,9 процент кўпайтириш зарур. 5 миллиард 214 миллион сўмлик капитал иш бажарилиши керак. Маҳсулотни кўпайтиришнинг 80 процентини меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига олиш белгиланган.

Асосий куч ва эътибор ёқилғи-энергетика комплекси, қора ва рангли металлургия, химия саноати, машинасозлик ва металл ишлаш, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш, транспортни ривожлантириш сингари энг асосий соҳаларга қаратилади. Аҳолининг кундалик эҳтиёжларини тўла-тўкис таъминлаш вазифаси тез суръатлар билан ҳал этилади. Масалан, ип газлама ишлаб чиқариш 223 миллион квадрат метрга етказилади.

КПСС XXV съезди ишлаб чиққан узоқ муддатли социал программага мувофиқ 1980 йил планида халқ фаровонлигини янада ошириш кўзда тутилган. Аҳолининг пул даромадлари, ижтимоий истеъмол фондлари ортади, истеъмол моллари сотиш кўпаяди, маиший хизмат ҳажми кенгаяди. Пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобидан республикада 5 миллион 471 минг квадрат метр уй-жой қурилади.

Қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришни таъминлаш — шу йилнинг энг муҳим вазифасидир. 5 миллион 800 минг тонна пахта етиштирилиб, териб олиниши керак.

Биз қиш фаслидаёқ келгуси ҳосилга замин яратишга бошладик. Ҳозир бу иш давом этмоқда. Бу ишни қисқа муддатларда муваффақиятли ўтказиш ҳам мўл, ҳам эрта ҳосил олишнинг биринчи гарови. Ана шу сабабдан ҳам КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «1980 йил кўкламги дала ишларига ҳозирлик кўриш ва бу ишларни ўтказишга доир қўшимча тадбирлар тўғрисида» жуда зарур қарор қабул қилдилар. Бу қарорда партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг экинларни экиш учун дала ва ўруғликни тайёрлаб қўйиш, техникани ремонтдан чиқариш, ирригация-мелиорация тадбирларини амалга ошириш соҳасидаги энг муҳим вазифалари белгиланди.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари вақтни бой бермай, мана шу қарорни бажаришюзасидан зарур тадбирларни ишлаб чиқиб, дарҳол рўёбга чиқаришга киришишлари жуда муҳимдир.

Бу йил республикада дон, шу жумладан, шоли ва маккажўхори, шунингдек, сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари, узум етиштириш анча кўпаяди. Цитрус меваларга ва асал етиштириш ва аҳолига сотишни кескин кўпайтириш планлаштириб қўйилган.

Чорвачиликни жадал юксалтириш бизнинг олдимизда турган биринчи галдаги вазифадир. Сизларга маълумки, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети бултур шахсан Леонид Ильич Брежневнинг ташаббуси билан «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни жадал ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» махсус қарор қабул қилдилар. Бу қарорда чорвачиликни саноат негизига кўчириш билан боғлиқ бўлган кўпдан-кўп масалалар ҳал этилган ва яқин йиллардаёқ фермаларнинг маҳсулотини кескин кўпайтириш кўзда тутилган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV пленуми шу қарорни бажариш ва чорвачиликни тубдан юксалтириш соҳасида конкрет тадбирлар белгилади.

Яқинда бўлиб ўтган XV пленумда Тошкент ва Қашқадарё область партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарори қандай бажарилаётганлиги тўғрисида ҳисоб бердилар. Марказий Комитет Ғиждувон район партия комитетининг ҳисоботини ҳам тинглади. Бу район бир йилнинг ўзида гўшт етиштиришни қариб икки баравар, сут етиштиришни 12 процент ва тухум етиштиришни 30 процент кўпайтирган ҳамда келгуси беш йилликнинг охиригача гўшт етиштиришни 2,7, сут етиштиришни 1,6, тухум етиштиришни 1,8 баравар кўпайтириш режасини тузган.

Бу — республиканинг барча районлари учун ва жумладан, Москва области учун ҳам муносиб намуна бўла олади, ўртоқлар! Ғиждувонликларнинг йўли чорвачиликни юксалтиришнинг реал йўлидир. Агар ҳамма хўжаликлар ҳам шу тажрибани ўзлаштириб олсалар, биз аҳолини гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашни кескин яхшилай оламиз.

Ўйлайманки, янги сайланадиган Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари мана шу муҳим проблеманинг ҳал этилишини ўз ғамхўрлари остига олиб, шу ҳаётий муҳим тармоқда сезиларли ижобий силжишларга эришсалар, жуда тўғри бўлади.

Белгиланган режалар ҳаммамизга, республикадаги ҳар бир меҳнаткашга таалуқлидир. Бу режалар пировард натижада халқнинг турмушини, меҳнатини, ўқишини, дам олишини ва сиҳат-саломатлигини яхшилашга хизмат қилади. Шу сабабли биз ҳаммамиз бу режаларнинг тўла-тўкис бажарилиши билангина кифояланиб қолмасдан, ошириб бажарилиши учун ҳам ўзимизни масъулиятли деб ҳисоблашимиз керак.

Бунинг учун кенг қулоч ёзган социалистик мусобақа катта имкониятлар очиб беради. Шонли воқеаларга бой бўлган бу йилда ана шундай имкониятлар айниқса кўп. Бу воқеаларнинг зўр илҳомбахш кучи бор. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, халқ депутатлари Советлари мусобақадошларнинг самарадорлиги кескин оширишга ва сифат кўрсаткичларини яхшилашга, ҳамма резервлардан фойдаланишга интилишларига ҳаракат қилишлари лозим.

Ҳар бир корхона, ҳар бир колхоз, совхоз, ҳар бир меҳнат коллективининг аниқ иш маромини таъминлаш учун идеология ишини, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишини кучайтириш, илғор тажрибани кенг ёйиш, ишлаб чиқаришни планлаштириш ва бошқариш даражасини ошириш, хўжалик механизмини такомиллаштириш зарур.

Шу муносабат билан барча бўғинларнинг раҳбарларига нисбатан янада қаттиқроқ талаблар қўйилади. Республикада қобилиятли ташкилотчилар, обрў-эътиборли, истеъдодли раҳбарлар кўп. Улар партиянинг олтин фондидир.

Аммо эскичасига ишлаётган ходимлар ҳам бор. Бир қанча корхоналар, қурилиш ташкилотлари, колхоз ва совхозлар қониқарсиз ишлаётганининг сабаби ҳам мана шунда. КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми ҳаётдан орқада қолган раҳбар ходимларни қатъият билан алмаштириши, коллективларда амалий, ишчанлик муҳитини таъминлашга қодир бўлган сергайрат, ижодий фикрловчи кишиларни, илм-фанга, илғор тажрибага таяна оладиган кишиларни дадил кўтариб қўйишни талаб қилди.

Округдаги барча сайловчилар каби, шу учрашувимизнинг қатнашчилари ҳам КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Халқ хўжалигида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва кадрларнинг қўнимсизлигини қисқартириш тўғрисида» яқинда эълон қилинган қарори билан яхши танишиб чиққанлар. Бу — катта давлат аҳамиятига молик ҳужжатдир, ўртоқлар. Унда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришдаги иш вақтининг зое ўтишини тугатиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, барқарор меҳнат коллективларини вужудга келтириш соҳасидаги ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишни анча яхшилаш — партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг, хўжалик раҳбарларининг жуда муҳим вазифаси эканлиги зўр куч билан таъкидлаб ўтилган. Бу ишни партиянинг иқтисодий ва социал сиёсатини амалга оширишдаги, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишдаги, одамларни меҳнатга коммунистик муносабат руҳида тарбиялашдаги энг муҳим соҳаларнинг бири деб билмоқ керак.

Партия раҳбарлик услубини такомиллаштиришга ҳамиша жуда катта эътибор бериб келди ва ҳозир ҳам жуда катта эътибор бермоқда. Марказий Комитет, унинг замонамиз атоқли сиёсий ва давлат арбоби ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюросининг кўп қирали фаолияти ленинча услубнинг, ўсиб бораётган вазифаларни ҳал этишга чиначам илмий, ижодий ёндашишнинг ажойиб намунасидир. Бош вазифаларни белгилаб олиш, қўйилган мақсадларга эришишнинг энг самарали усул ва воситаларини танлаб олиш, бошланган ишни изчиллик билан пировардига етказиш маҳорати — мана шундай ёндашишнинг энг асосий белгиларидир. Биз ҳам мана шу белгиларни доимо ўрганишимиз лозим. Леонид Ильичнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» китобларида энг мураккаб шароитлардаги раҳбарлик ишининг ажойиб намунаси тасвирланган.

Биз барча партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, халқ депутатлари Советларининг ишини доимо такомиллаштира боришимиз керак. Ҳар бир киши ўзининг давлат ишларига даҳлдор эканини сезиши, ўзининг фикри, ўзининг таклифига қулоқ солинишига ва қарорларни ишлаб чиқишда ҳисобга олинишига амин бўлиши лозим. Шунга эришиш керакки, ҳар бир киши жамиятдаги ўз ўрнини топиб олсин ва ўз меҳнатини бурч деб, ўз ҳаётининг асосий маъноси деб биладиган бўлсин ва ҳамма ишни виждонан қиладиган бўлсин.

Партия сансалорлик ва расмиятчиликка қаршм янада муросасизлик билан қатъий кураш олиб боришни, одамларнинг эҳтиёжларига ва фикр-мулоҳазаларига жуда синчиклаб қарашни талаб қилмоқда. Барча партия ташкилотларининг, ҳамма Советларнинг иш услуби фақат мана шундай бўлиши керак.

Ўртоқлар! Республика Олий Советига ва маҳаллий Советларга бу галги сайлов биринчи бор янги Конституция амал қилаётган шароитда ўтказилади. Бу Конституция социалистик демократия ривожидаги янги босқичнинг энг ёрқин ва тўлиқ ифодаси бўлди. Янги Асосий Қонун совет кишиларининг ҳуқуқларини пухта равишда таъминлайди, уларнинг шон-шарафини ҳимоя қилади.

Ҳозир янги Конституция асосида совет қонунларини янгилаш соҳасида катта ишлар олиб борилмоқда. Советларга раҳбарлик қилиш, шуларнгдек қонунлар ижроси устидан контроллик ўрнатиш яхшиланди. Бизнинг Советларимиз халқнинг коллектив хоҳиш-иродасини, халқ ҳокимиятини, унинг орзу-умидлари ва муддаоларини ифодалайди. Советлар составига аҳоли барча табақаларининг энг яхши намояндалари — ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, барча миллатларнинг вакиллари кирадилар. Республика олий ва маҳаллий Советларидаги депутатлигига бу галги сайловда кўрсатилган 100 мингдан ортиқ номзоднинг салкам 70 проценти ишчилар билан колхозчилардан иборат. Советларда хотин-қизларнинг намояндалари кўп — депутатликка номзодларнинг ярмига яқини хотин-қизлардир. Ёшларимиз ҳамма сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланмоқдалар — Советлар составига кўрсатилган номзодларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи ёшлардир. Советларда халқ хўжалиги барча тармоқларининг мутахассисларидан вакиллар бор.

Советларнинг мана шундай состави улар ишини амалий равишда ташкил этиш, аҳоли турмуши ва фаолиятининг ҳамма соҳаларига таъсир ўтказиш имконини беради. Янги Конституция асосида Советларнинг роли янада ошди.

Советлар саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини планлаштиришда, социал, маданий-маиший тармоқларни ривожлантиришда фаол қатнашмоқдалар, аҳолига хизмат қилишни ва ободончиликни яхшилаш учун корхоналарнинг маблағларини бирлаштирмоқдалар. Советлар уй-жой ва маданий-маиший қурилишда ягона буюртмачи ролини ўйнамоқдалар. Улар халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасида, айниқса, кўп фойдали иш қилишлари мумкин ва шундай ишни қилмоқдалар.

Ўз территориясида табиатни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, савдо-сотиқ, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш, интизомни кучайтириш ва мансабдор кишиларнинг масъулиятини ошириш Советларнинг бевосита вазифасидир. Уларнинг аҳоли маънавий турмушига таъсири катта. Советлар қарамогида юзлаб маданият, халқ маорифи муассасалари, кутубхоналар, спорт ташкилотлари ва гражданларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган бошқа ташкилотлар бор. Ҳар бир Совет бу вазифаларни имкони борича яхшироқ ижро этишига эришмоқ керак.

Москва области бунга мисол бўла олади. Бу ердаги ҳар бир посёлкада, колхоз ва совхозда янги қурилишлар — ҳам ишлаб чиқариш, ҳам уй-жой, ҳам маданий-маиший қурилишлар кўп. Мана шуларнинг ҳаммасида шаҳар, район ва қишлоқ Советларининг роли катта эканлиги шубҳасиз. Аммо бу соҳадаги ҳамма иш ҳам яхши бажариляптими? Ошкора айтадиган бўлсак, яхши бажарилмаяпти. Теварак-атроф ҳали ҳам путури кетган, кўримсиз иморатлар бор. Улар одамларнинг турмушини асло безатмайди. Биз хутор системасидан тезроқ қутулишимиз керак. Кўркам, мустаҳкам, қулай ва узоқни ўйлаб қуриш керак, ўртоқлар, аҳолининг турмуш маданиятини янада зўр қатъият билан ошириш зарур.

Совет — ўз территориясидаги олий ҳокимият органи, шаҳар ёки посёлканинг ҳақиқий раҳбаридир. Шу боисдан ҳам у яхши, меҳрибон хўжайин бўлиши лозим.

Агар Советларнинг янги составлари, уларнинг депутатлари сайлов ўтиши билан ноқ ўз фаолиятининг демократик принципларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берсалар, жуда соз бўлур эди. Сайловчилар ҳузурида ҳисоб бериб туриш, ишдаги ошкоралик, доимий комиссияларнинг кенг миқёсдаги фаолияти, жамоат ишларини бошқаришга имкони борича кўпроқ меҳнаткашларни жалб қилиш — мана шуларга жуда катта эътибор берилиши керак.

Ҳозир иқтисодиётда экономика ва маданиятни юксалтириш проблемалари кенг миқёсда муҳокама қилинмоқда, депутатларга наказлар берилмоқда, турли таклифлар киритилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олиш, ҳар бир наказнинг бажарилишини контроль қилиб туриш, сайловчиларнинг ҳамма қимматли таклифларини сўзсиз бажариш лозим.

Ўртоқлар! Биз улуғ ғоя — Владимир Ильич Ленин туғилган кунинг 110 йиллиги арафасида турибмиз. Чинакам халқ йўлбошчиси, отаман революционер, илмий тафаккур даҳоси, Коммунистик партия ва дунёда биринчи социалистик давлат асосчиси бўлган бу улуғ зот қалбимизда, фикри-зикримизда, курашимиз ва ишимизда ҳамиша яшаб келмоқда ва яшайверади. В. И. Ленининг номи ва иши Ер курраси барча тараққийпарвар кишиларга азиздир.

КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунинг 110 йиллиги туғрисида»ги қарорида Ленининг иши нақадар кенг кўламда кулоч отиб, кенгайиб бораётганлиги, унинг улуғвор режалари ҳақиқатга айланаётганлиги зўр ишонч билан кўрсатиб берилган.

Ер юзидаги миллион-миллион кишилар учун Ленининг номи дунёни социал жиҳатдан янгилаш рамзидир. Ҳозир Европа, Осиё, Лотин Америкасининг кўпгина мамлакатлари узра Ленин байроғи қилпираб турибди. Халқаро коммунистик ҳаракат жуда улкан таъсирли кучга айланди. Душманлар нақадар қутуриб хуруж қилмасинлар, бизнинг мамлакатимизга ва унинг мақсадларига, қардош социалистик мамлакатларга қанчалик туҳмат ёғдирмасинлар, биз ленинча тинчлик ва демократия принципларида, коммунизм қуриш принципларида қаттиқ туриб келдик ва турамиз. Совет Иттифоки социализм мамлакатлари билан, барча тараққийпарвар кучлар билан биргаликда кескинликни юмшатиш учун, тинчликни ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва амалга оширишга қаратилган.

Совет Иттифоқининг ташқи сиёсат йўли барча халқларнинг, дунёдаги ҳамма меҳнаткашларнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушади, шунинг учун ҳам улар бу сиёсатни тўла-тўкис тушуниб, қўллаб-қувватламоқдалар.

Бироқ империалистик кучлар ва аввало АҚШнинг муайян доиралари Совет Иттифоқининг қуролсизланиш ва кескинликни юмшатиш соҳасида реал тадбирларни амалга оширишга қаратилган ҳаммага маълум тинчликсеварлик таклифларини назар-писанд қилмай, СССРнинг ташқи сиёсатини нотўғри талқин этишга уринмоқдалар, қуролланиш пойгасини зўр бериб кучайтирмоқдалар, бошқа халқларнинг ишларига аралашмоқдалар, кучлар нисбатини ўз фойдаларига ўзгартириб олишга, ҳарбий устунликка эришишга уринмоқдалар.

Империализм агрессив кучларининг авантюристик сиёсати, уларнинг милитаристик ҳаракатлари туфайли кейинги вақтларда халқаро вазият анча кескин тус олди.

Леонид Ильич Брежнев «Правда» муҳбирининг саволларига қайтарган жавобларида Совет Иттифоқининг халқаро ишлардаги позициясини аниқ ва принципиал таърифлаб берди, тинчлик ва кескинликни юмшатиш душманларининг кирдикорларини ошкорлик тарзда фош қилиб ташлади.

«Бизнинг халқимиз, мамлакатимиз, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев, — ўнинчи беш йиллик топшириқларини, партия режаларини бажара бориб, коммунистик қурилиш йўлидан шаҳдам одим ташламоқда. Ленинча ташқи сиёсат йўли мустаҳкамлигича совет кишиларининг, чет эллардаги дўстларимизнинг ишончлари комил бўлаверсин. Бу сиёсат КПСС съездларининг қарорларида белгиланган бўлиб, ташқи сиёсат соҳасидаги бутун фаолиятимизда рўёбга чиқарилмоқда. Бу йил изчил тинчликсеварликни агрессиянга қаттиқ зарба бериш билан бирга қўшиб олиб боришга қаратилган йўлдир. Бу сиёсат ўтган неча ўн йиллар давомида ўзини оқлади, биз келгусида ҳам шу йўлдан борамиз. Ҳеч ким бизни бу йўлдан тойдира олмайди».

Ҳурматли ўртоқлар! Ленин байроғига садоқатли, КПСС ва унинг Марказий Комитети теварагида маҳкам бирлашган совет кишилари янги, 1980 йилга — ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилига, Ленин туғилган кунинг 110 йиллиги, фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 35 йиллиги, КПСС XXVI съездига актив тайёргарлик йилига дадил одим ташладилар. Бу йил меҳнатда, ҳамма улуғ ишлар ва зафарларда яна бир бахтли, тинч ва энг муваффақиятли йил бўлиши шубҳасиздир!

Москва районининг меҳнаткашлари бутун республиканинг меҳнат аҳли билан биргаликда совет халқининг фидокорона меҳнатига муносиб ҳисса қўшадилар, партия режаларини бажариш учун сарфлаётган кучғайратларини янада кўпайтирадилар ва бу йил КПСС XXV съезди қарорларини бажаришда янги катта муваффақиятларга эришадилар, деб қатъий ишонч билдиришга ижозат бергайсизлар.

Сизларга, республика Олий Совети депутатлигига номзодларни кўрсатган 152-Пахтаобод сайлов округининг меҳнаткашларига яна бир бор чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор этишга ижозат этгайсизлар. Халқ вакили бўлишдек юксак ишончни шараф билан оқлайман, бутун куч-қувватимни шонли ленинчи партиямиз ишига бағишлайман, деб сизларга ваъда бераман.

Сизларга меҳнатда муваффақият, ҳаётингизда бахт-саодат ва сиҳат-саломатлик тилайман!

Ёшларнинг зарбдор меҳнати — Ватанга

«В. И. Ленин юбилейини муносиб кутиб оламиз, беш йилликни зарбдорларча якунлаймиз!» шиори остидаги Бутуниттифоқ мусобақасида қатнашаётган миллион-миллион йигит ва қизлар ленинча зарбдор вахтада туриб ишлаб, меҳнатда янги чўқиларни эгалламоқдалар.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг 29 январь куни Москвада бўлиб ўтган VI пленумида шу ҳақда гапирилди. Пленум қатнашчилари ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленумида ўртага қўйган вазифалар асосида халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларини ривожлантиришда комсомолнинг ролини ошириш масалаларини муҳокама қилдилар.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. Н. Пастухов пленумда нутқ сўзлади.

Сўзга чиққан нотиқлар партиянинг беш йиллик якунловчи йилини зарбдорларча ишлаш, ленинчасига ишлаш йилига айлантириш тўғрисидаги даъватга лаббай деб жавоб берган ёшлар ўртасида амалий мусобақани кенг қулоч ёздиришнинг муҳим ролини таъкидлаб ўтдилар. Улар комсомолларни, барча йигит ва қизларни ленинча коммунистик шанбаликда фаол қатнашишга чақирдилар.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг пленуми комсомол ташкилотларининг ёшларни меҳнатсеварлик руҳида ва сиёсий жиҳатдан тарбиялаш соҳасидаги фаолиятини таҳлидий анализ қилди, халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларини ривожлантиришда комсомол комитетларининг ролини ошириш тадбирларини тасдиқлади.

Пленум қатнашчилари КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленумининг қарорларини бажаришга Ленин комсомоли салмоқли ҳисса қўшади, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олади, деб КПСС Марказий Комитетига, ўртоқ Л. И. Брежневга ваъда бердилар.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирининг биринчи ўринбосари Н. А. Петровичев, КПСС Марказий Комитети Қурилиш бўлими мудирининг ўринбосари А. Д. Дмитриев иштирок этдилар.

(ТАСС).

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

ДАМАШҚ, 30 январь. (ТАСС). Бу ерда Сурия Араб Социалистик Уйғониш партияси умумараб раҳбарлик органининг аъзоси, Абдалла ал Ахмарнинг Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитети аъзоси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов бошчилигидаги Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитети делегацияси билан учрашуви бўлди. Учрашув давомида Кэмп-Дэвидда ҳнёаткорона битимлар имзоланганидан кейинги Яқин Шарқдаги аҳвол кўриб чиқилди. Сурия томони империализм ва сионизм кучларининг араб халқига қилаётган хуружига қарши қурашдаги ўзининг принципиал позициясини тасдиқлади ва Садат режимининг сотқинлик йўлини қоралади.

Совет делегациясининг бошлиғи ҳамма Исроил қўшинлари араблардан босиб олинган барча ерлардан олиб чиқиб кетилиши ва фаластинлик араб халқининг ҳаққоний миллий ҳуқуқлари амалга оширилиши зарурлигини Совет Иттифоқи қўллаб-қувватлай беришини таъкидлаб ўтди.

ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

30 январь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти республика активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда жамият ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисидаги қарорини ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIII пленумининг шу масала юзасидан қабул қилинган қарорини қандай бажараётганликлари ҳам кўриб чиқилди, КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунинг 110 йиллиги туғрисидаги қарорини амалга ошириш соҳасида жамиятнинг вазифалари муҳокама этилди.

Йиғилиш қатнашчилари жамият олиб бораётган ишни таҳлил қилиб, лекция пропагандасининг юксак илмий даражасига ва ҳужжатлилигини ошириш, унинг ҳаёт билан, муҳим сиёсий ва ҳўжалик вазифалари билан алоқасини мустаҳкамлашга эришаётган жамият ташкилотларини намуна қилиб кўрсатдилар. Меҳнаткашларни ғоявий жиҳатдан чиниқтириш, меҳнат коллективларининг куч-ғайратини 1980 йил ва умуман беш йиллик топшириқларини сўзсиз бажаришга, Ленин юбилейини муносиб кутиб олишга сафарбар этиш учун пропаганданинг ғоят бой восита ва методларидан моҳирлик билан фойдаланиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Ўзбекистон ССР Олий Советига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига ўтказиладиган сайловга тайёргарлик ишларида жамият активларининг иштироки билан боғлиқ масалаларга катта эътибор берилди.

(ЎзТАГ).

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ ЛЕТУЧКАСИ

МОСКВА, 30 январь. (ТАСС мухбири). Журналистларнинг «Ўнинчи беш йиллик — якунловчи йил» мавзуидаги Бутуниттифоқ матбуот конференцияси 1980 йилда мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш планини пропаганда қилиш ва уни бажариш борасида оммавий ахборот воситаларининг вазифаларига бағишланди. Ўни СССР Журналистлар союзи билан Москва шаҳар журналистлар ташкилоти уюштирди. Матбуот конференциясида марказий газеталар ва журналлар, информация агентликлари, телевидение ва радиоэшиттириш, нашриёт-ларининг раҳбарлари, республика, ўлка ва область газеталарининг редакторлари қатнашдилар.

Журналистларнинг Бутуниттифоқ летучкасида КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари Б. И. Гостев, Л. М. Замятин, К. С. Симонов, СССР Журналистлар союзи правленнесининг раиси, «Правда» газетасининг бош редактори В. Г. Афанасьев, СССР Госплани раисининг ўринбосари А. В. Бачурин, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари сўзга чиқдилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ХАНОЙДА

ХАНОЙ, 29 январь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров бошчилигида расмий визит билан Вьетнамга келган СССР Олий Совети делегацияси бугун Вьетнам Коммунистик партиясининг асосчиси ва биринчи президенти Хо Ши Мин мавзолейини зиёрат қилди. Делегация мавзолейга гулчамбар қўйди. Меҳмонлар Ханойда Хо Ши Мин яшаган ва ишлаган уй-музейни ҳам бориб кўришди.

Шу куни П. М. Машеров бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси билан Вьетнам Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСР Миллат мажлиси доимий комитетининг раиси Чионг Тинь бошчилигидаги ВСР Миллат мажлисининг делегацияси ўртасида музокаралар бўлди.

Музокаралар қардошларча дўстлик ва муҳокама этилган ҳамма масалалар юзасидан тўла ялпиллик вазиятида ўтди.

ИШЧИ ЎРИНБОСАРЛАРНИ ЛЕНИНЧАСИГА ТАЙЁРЛАЙЛИК

29 январь куни В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишлаб Тошкентда республика ҳунартехника таълими системасида тарбия мавзуидаги лекциялар бошланди. «КПСС XXV съезди қарорлари асосида ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларини ўқитиш ва тарбиялашга комплекс ёндашиш» ана шу лекцияларнинг мавзуидир.

Ўзбекистон пойтахтидаги энг яхши билим юртлари базасида икки кун давомида тарбия мавзуидаги лекциялар ўқилмоқда. Бу лекцияларнинг қатнашчилари иш тажрибасини ўртоқлашадилар, ишчиларнинг ёш ўринбосарларини тайёрлашни янада такомиллаштириш йўлларини белгилайдилар.

(ЎзТАГ).

ЛЕНИН ҒОЯЛАРИ — БИТМАС-ТУГАНМАС ИЖОДКОРЛИК ЧАШМАСИ

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг пленуми ёзувчининг актив позицияси ва ҳозирги замон адабий жараёни масаласига бағишланди. Пленум 29 январь куни Тошкентда бўлиб ўтди.

Докладчи — Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Р. Бобожон, музокарада сўзга чиққан нотиқлар совет ёзувчиси ўзининг ҳар бир китоби билан, ҳар бир шеърий сатри билан Ер юзида коммунизм, социалистик интернационализм, совет ватанпарварлиги, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик ғояларини қарор топтиришга интилиши лозимлигини таъкидладилар. Ўзбек адибларининг ғоявий эътиқодлилиги ва ижодий активлиги, жумладан, йиллар ва ўн йиллар давомида вужудга келтирилган кўп жанрли Ленинномада намоён бўлди. Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Шайхзода, Миртемир, Комил Яшин, Ўйғун, Зулфия шу Ленинномани вужудга келтиришга ўзларининг илҳомбахш сатрларини қўшдилар. Ўзбекистон болиғ сўз усталари янги авлодлари — Эркин Воҳидов, Жуманиёз Жабборов, Ҳусниддин Шарипов, Гулчеҳра Жўраева ва кўпгина бошқа адиблар Ленинномани давом эттирмоқдалар.

Республика адиблари В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигида ижодий активликни янада юксалтириш билан тайёргарлик кўрмоқдалар.

(ЎзТАГ).

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

ЕРГА МУҲАББАТ

Бободеҳқонларнинг: «Сен ерни боқсанг, ер элни боқади», — деган нақли бор. Бу ҳикматнинг замирида бир олам маъно ётади. Кимки ерни эъзозласа, уни яхши ишласа заминнинг тупроғи олтинга айланади. Унинг унумдорлиги ошиб, истаганча ҳосил беради. Борди-ю, ерга бефарқ қаралса, қадрига етилмаса, унумдорлиги камайиб, ҳосил бермай қўяди. Деҳқонларимиз ўзларига ризқ-рўз берадиган, мўлкўлчилик ва фаровонлик манбаи бўлган ерни ардоқлаб келмоқдалар. Унинг унумдорлигини тобора ошириб, ҳар гектаридан кўпроқ самра олиш учун интиляптилар.

Совхозимиз пахтачиликка ихтисослашган йирик хўжаликлардан бири. Экин экиладиган 3725 гектар ер бор. Унинг бир қаричи ҳам фойдаланилмай ташлаб қўйилган эмас. Бундай қилишга ҳаққимиз ҳам йўқ. Ернинг ҳар бир гектари хўжаликка ва давлатга кўпроқ фойда келтириши, ундан имкони борича кўпроқ пахта, дон ва бошқа маҳсулотлар олиш чоралари кўрилянти.

Буни ўтган йилнинг натижаси мисолида кўриш мумкин. 2800 гектар майдонда пахта етиштирилди. Агар агротехника тадбирлари комплекси ўтган йилги мураккаб шароитга мослаб амалга оширилмаганда, ёғингарчилик кўп бўлганлиги сабабли ҳаддан ташқари захлаб кетган тупроқни қиздириш чоралари кўрилмаганда ғўзанинг ривожидаги қолоқликни тугатиб, мўлжалдаги ҳосилни етиштириб бўлмасди. Барча майдонда саккиз марта сифатли культивация ўтказилди. Ғўзани ўғитларга тўйдириб, ривожини жадаллаштириш мақсадида ҳар гектар ерга ўрта ҳисобда 800 килограммдан минерал ва 8—10 тоннадан органик ўғит солинди. Бундан ташқари, икки марта кетмон чопиғи ўтказилди. Пахтазорларда бегона ўтларнинг ўсишига йўл қўйилмади. Қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларига қарши қатъий кураш олиб борилди. Ғўза зарарланиши ва ҳосил нобуд бўлишининг олди олинди.

Буларнинг ҳаммаси ғўзани парвариш қилиш деб аталгани билан аслида ердан яхши фойдаланиш, уни ишлашни қучайтириб, унумдорлигини ошириш мақсадида кўрилган чора-тадбирлар эди.

Биз ернинг унумдорлигини оширишга қаратилган бошқа омиллардан ҳам тўғри фойдаланиб келмоқдамиз. Пахта-беда алмашлаб экиш ана шундай омиллардан биридир. Алмашлаб экиш ернинг унумдорлигини ошириш билан бир қаторда, ғўзанинг ашаддий душмани бўлган ва пахтачиликка жуда катта зарар етказадиган хавфли касаллик ҳисобланган вилтга қарши курашда ҳам муҳим роль ўйнайди. Бошқача қилиб айтганда, пахта-беда алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштиришдан мақсад ердан фойдаланиш самарасини оширишга эришишдан иборат.

Хўжалигимизда 600 гектар беда бор. Ҳар йили 300 гектар майдонга дон ва силос учун маккажўхори экамиз. Буни ҳисобга олиб, тўқкиз далали алмашлаб экиш схемасини жорий этганмиз. Шунга биноан, ҳар йили уч юз гектар эски бедапоя ҳайдалиб, ўрнига чигит экилади. Маккажўхори экилган майдонларга ҳам келгуси йил баҳорида чигит экилади. Бултур пахта етиштирилган шунча майдонга эса беда ва маккажўхори экилади. Шундай қилиб, барча пахта майдони фақат беданинг ўзи билан ҳар тўққиз йилда, маккажўхорини ҳам қўшиб ҳисоблаганда эса ҳар беш йилда бир марта тўлиқ almаштириб чиқилади.

Бу ернинг унумдорлигини бир зайлда яхши сақлаш ва пахтадан муттасил барқарор ҳосил олиш имконини бермоқда. Мисол учун, 1978 йилда ҳам об-ҳаво шароити пахтачилик учун ноқулай келганлигига қарамай, ҳар гектар ернинг ҳосилдорлиги шундан олдинги йилларгагига қараганда пасайиб кетмаган, 32 центнердан ҳосил олинган ва давлатга 9 минг тонна «оқ олтин» етказиб берилган эди. Бултурги мураккаб шароитда ҳам барча майдонда мўлжалдагидек ҳосил етиштирилди. Ҳар гектар ердан 32,5 центнердан пахта териб олинди. Давлатга 9100 тонна маҳсулот топширилди.

Ерга чинакам муҳаббат қўйган, унинг қадрига ҳаммадан кўпроқ етадиган бўлим ва бригадаларнинг коллективлари ҳосилдорликни оширишда ибратли натижаларга эришмоқдалар. Тажрибали деҳқонлар ва уста пахтакорлар Абдуғани Тошматов, Мирмуҳсин Холиқулов, Гофуржон Маҳмудов, Мухторхон Аъзамов бошлиқ бўлимларда ўтган йили ҳар гектар ердан 35—38 центнердан, Нуриддин Аъзамов, Абдурасул Бобожонов, Эгамберди Мақсудов бошлиқ ва бошқа бригадаларда эса 40 — 50 центнердан ҳосил олинди.

Пахтачиликни комплекс механизациялаш, хусусан, ҳосил йиғим-теримини кенг машиналаштириш йўли билан деҳқончилик маданиятини ошириш ҳам, алмашлаб экиш сингари, ердан фойдаланишни яхшилашда муҳим роль ўйнайди. Гап шундаки, дала ишларини механизациялаш даражаси қанча кўп оширилса, ғўза парвариши билан боғлиқ бўлган агротехника тадбирлари шунчалик ўз вақтида ва сифатли бажарилади. Бу оқибат натижада ҳосилдорликнинг ошишига ва бинобарин, ердан фойдаланишни яхшилашга олиб келади. Пахта имкони борича кўпроқ машиналар билан терилганида эса, ҳосил йиғим-терими суръати тезлашади, муддати қисқаради. Давлат плани ва қабул қилинган мажбуриятлар барвақт бажарилади. Пахта нобуд бўлмайди. Унинг сифати яхшиланиб, таннархи арзонлашади. Бу ҳам ердан фойдаланишни яхшилашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Шу туфайли аввалги йиллардагидек, ўтган йили ҳам хўжаликда мавжуд чопиқ тракторлари, культиваторлар ва ғўза парваришида қўлланиладиган бошқа техника воситаларидан, ҳосил йиғим-терими даврида эса терим машиналаридан юқори унум билан фойдаландик. Мавжуд 58 та чопиқ тракторининг ҳар бири билан баҳор ва ёз ойларида чигит экиш, қатқалоқни юмшатиш, ғўзани культивация қилиш, суғориш эгатлари олиш ва экинни озиқлантириш, қишлоқ хўжалик зараркунандалари ҳамда касалликларига қарши курашишни бирга қўшиб қўшоблаганда қариб 700 гектар майдонда иш бажарилди. Ҳар бир терим агрегати билан эса ўрта ҳисобда 120 тоннадан пахта терилди ва барча ҳосилнинг 80 процента «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Фармон Суярқулов, Аҳмадали Отавалиев, Мурод Султонов, Раҳимберди Эргашев каби моҳир механизаторлар баҳорда чигит экиб ва ёз ойларида ғўзани сифатли парвариш қилиб, хўжалигимиз коллективининг мўл ҳосил етиштириш учун олиб боргак курашига муносиб ҳисса қўшишган эди. Улар кузда ҳосилни тез ва нобуд қилмай йиғиб-териб олиш, йиғим-терим ишларини кенг равишда механизациялаш мусобақасида карвонбошилик қилишди, ўз агрегатларини юксак унум билан ишлатиб, мавсумда 150 — 180 тоннадан пахта теришди.

Пахтакорларимиз ерга муҳаббат қўйиб, унинг унумдорлигини ва самарадорлигини ошириш йўлида сарф-лаётган куч-гайратлари, қилаётган фидокорона меҳнатлари ана шундай яхши натижалар беряпти. Улар бу йил ердан фойдаланишни янада яхшилаб, унинг унумдорлигини тағин ҳам ошириш, ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта, 70 центнердан маккажўхори дони ва камида 500 центнердан силосбоп кўкпоя, 200 центнердан беда пичани олишни мўлжаллашмоқда. Шу мақсадда кишки тадбирлар мукаммал амалга оширилянти. Кўкламги экишга пухта тайёргарлик кўрилянти.

А. ҚОЗОҚБОЕВ,
Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхозининг директори.

Нишон районидаги «Нишон» давлат наслчилик заводи биносига жойлашган 3-сайлов участкасига қарашли агитпунктда сайловолди агитация-пропаганда ишлари авж олмоқда. Суратда: агитпункт агитаторлари сайловчилар билан суҳбатга ҳозирланмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

24 ФЕВРАЛЬ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

ЭЛ СЕВГАН ҚИЗ

Райгул Жумамуротова Чимбой районида эмас, автоном республикада донгдор, ганиқли шоликорлар қаторида тилга олинади.

Райгул Жумамуротова 1970 йилда Нукусдаги медицина билим юртини муваффақиятли битказиб, Чимбой районидаги шоличиликка ихтисослаштирилган «Майёб» совхозига ишга келди. Совхозда медицина ҳамшираси бўлиб, шоликорлар, механизаторлар саломатлигини сақлашда ҳалол меҳнат қилди. Оғаси Жумамурот ота ўша йилларда совхозда звено бошлиғи бўлиб ишлар, район миқёсида рекорд ҳосил етиштирарди.

1971 йилнинг бошида Райгул Жумамуротова мутахассисликни ўзгартирди. Совхоз дирекцияси ва партия комитетига ариза ёзиб, шоличиликка ўтиб ишлаш ҳақида истак билдирди. Унинг илтимоси қаноатлантирилди. Шу йили Райгул Жумамуротова звено бошлиғи қилиб тасдиқланди. Звенога раҳбар бўлиб ўтган кундан бошлаб Райгул мутахассислар, ветеран ва донгдор тажрибали шоликорлар билан бамаслаҳат иш кўрди. Шу йили у шоли тайёрлаш плани ва социалистик мажбуриятини районда биринчи бўлиб ошириб адо этди.

Ерларни экишга тайёрлаш, шоли экиш, ҳар гектар ерда кўчат тўла бўлиши, умуман шоли агротехникасини яхши ўзлаштириб олган Райгул Жумамуротова фан ва техника янгиликларини қўллашга алоҳида эътибор берди. Деҳқончилик маданиятини юксалтиришда катта ютуқларга эришди.

1972 йилда бригада бошлиғи қилиб тайинланди. Шу йили 60 гектар майдонга шоли экиб, унинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштирди.

1973 йилда у КПСС аъзолигига қабул қилинди. Ишга нисбатан талабчанлик, масъулият ошди. Райгул ўзининг билимини оширишга, фан ва техника янгиликлари, агротехника ютуқларини ўзлаштиришга қизиқарди. У звено ва бригада раҳбарларини қайта тайёрлаш курсларида мунтазам равишда ўқиб борди. Шу йили у Тошкенддаги қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетига сиртдан ўқишга кирди. Ўқишни 1979 йилда муваффақиятли битказиб диплом олди.

Ўтган олти йилда бригада шолипояси 50 гектардан 145 гектарга етказилди. Ҳосилдорлик 70 центнердан ошди. Янги ерларни ўзлаштириш, шолини жуда қисқа муддатларда экиш, гектардаран тўла кўчат олиш, гербицидлардан тўғри фойдаланиш, етиштирилган ҳосилни тезкорлик билан ўриб-янчиб олиш юзасидан ташаббус кўрсатиб ишлади. Унинг энг яхши ташаббуслари Чимбой район партия комитети томонидан маъқулланди. Унинг шоличиликни ривожлантиришдаги яхши тажрибалари Қорақалпоғистон Автоном Республикаси шоликорлари гомонидан ҳам маъқулланди.

Райгул фақат бригада бошлиғи эмас, донгдор механизатор ҳам. У совхоз устахонаси қошида ташкил қилинган 4 ойлик механизаторлар тайёрлайдиган курсни битказди. Кейинча у қисқа муддатли курсларда ўқиб, трактор ҳайдовчи, комбайнчи гувоҳномаларини олди. Ер ҳайдашда, шоли экишда, шолини ўриб-янчиб олишда бошқош бўлиш билан бирга бу ишларда ўзи актив қатнашди.

Райгул Жумамуротова раҳбарлик қилаётган бригада шоликорлари шоли тайёрлашда ўнинчи беш йиллигининг план ва топшириқларини тўрт йилда ошириб бажардилар. Ўтган йили унинг бригадаси 1980 йил ҳисобига шоли топширди. Бригада аъзолари 145 гектар майдоннинг ҳар гектаридан йил бошида қабул қилинган 60 центнер ўрнига 71 центнердан ҳосил кўтариб, ўз зиммаларига олинган оширилган социалистик мажбуриятларини ҳам бажардилар.

Райгул Жумамуротова 156-Киров сайлов округидан Қорақалпоғистон АССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИЛЬИЧ ВАСИЯТЛАРИ АСОСИДА

«Ильич васиятлари асосида» номли плакатлар комплекти чиқарилди.

Бу плакатлар Ленининг индустрлаштириш, кооперативлаш, маданий революция планлари амалга оширилаётганлиги тўғрисида, ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси тўғрисида Коммунистик партия билан Совет давлатининг Ер юзида мустаҳкам тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун олиб бораётган кураши тўғрисида ҳикоя қилади.

Комплектни «Плакат» нашриёти чиқарди.

Планетамизда

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

● ҲАРАКАТ ПРОГРАММАСИ

БЕРЛИН. ГДР саноат корхоналари, қишлоқ хўжалик кооперативлари, илмий-текшириш муассасаларининг коммунистлари 1980 йилда республика халқ хўжалигини ривожлантириш планини ҳаракат программаси деб атамоқдалар. Мамлакатнинг барча бошланғич партия ташкилотларида шу кунларда коммунистлар партия илгари қўйган мақсадларга эришиш воситаларини, оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш конкрет планларини муҳокама қилмоқдалар. Маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини тежаб қолинган маблағлар ва материаллар ҳисобидан ошириб бажариш меҳнат коллективларининг сон-саноқсиз ташаббусларидан бири бўлиб қолди.

Коммунистлар саноат корхоналарининг меҳнат коллективларида партия группалари жанговарлигини, ишлаб чиқариш планларининг бажарилиши учун ҳар бир партия аъзосининг масъулиятини оширишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

● ТУРИЗМНИНГ ЯНГИ ЗОНАСИ

СОФИЯ. Мамлакатнинг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган Пирин ўлкаси 1985 йилга бориб туризм зонасига айланади. Табиат бу ўлкадан ўз саҳийликларини аямаган. Гўзал тоғ манзаралари, игна барглари дарахт билан қопланган ўрмонлар, ҳар қадамда учрайдиган мовий кўллар, сон-саноқсиз шифобахш минерал сув булоқлари — шуларнинг ҳаммаси яхши ва фойдали дам олиш учун хизмат қилади.

Давлат туризм комитети ишлаб чиққан программа кенг ривожланган туристик базалар вужудга келтиришни, меҳмонхоналар, кэмпинглар, спорт майдончалари, коммунал муассасаларни қуришни назарда тутади. Миллий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда зоналарнинг архитектурасига катта эътибор берилади.

● МЕҲНАТКАШЛАР УЧУН УЙ-ЖОЙ БИНОЛАРИ

БУДАПЕШТ. Кейинги йилларда Венгрия шаҳарлари ривожланиб уй-жой қурилиши кенг миқёсда олиб борилмоқда. Планга мувофиқ шу беш йилликда мамлакатда уй-жой фонди 430—440 минг квартира кўпаяди. Ҳозирги вақтда Венгрия бинокорлари ВСИП XII съездини ва мамлакат фашизмдан озод этилганлигининг 35 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага актив кўшилдилар.1990 йилгача ВХРда 1,2 миллион квартира қуриш мўлжалланади. Меҳнат унумдорлигининг тинмай ошаётганлиги, қурилиш ишларининг илғор усуллари жорий этилаётганлиги шу масъулиятли вазифанинг бажарилиши учун гаровдир.

Бинокорларга уйсозлик комбинатларининг меҳнаткашлари ҳам катта ёрдам бермоқдалар. Бу комбинатлар серунум асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, улар Совет Иттифоқининг қардошларча ёрдами билан қурилган.

● ГЕОЛОГЛАР ҲАМКОРЛИГИ

ВЬЕНТЬЯН. Лаос Халқ Демократик Республикаси бинокорлик материаллари саноати учун қисқа муддатлар ичида ҳом ашё базасини яратишдек муҳим вазифани бажаришга киришди. Вьентьян вилоятида кенг кўламда қидириш—разведка ишларини олиб бораётган совет геологлари уларга ёрдам бермоқдалар. Жисмларни лабораторияларда комплекс синаб кўриш мақсадида юксак сифатли тупроқнинг саноат запаслари бўлган иккита участка танлаб олинди. Яқин орада бу ерда ғишт заводлари қурилади.

Вилоятнинг шимолида иккита оҳак конини текшириб чиқиш ишлари тугалланди. Бу конлар Лаос экономикасининг янги тармоғи—цемент ишлаб чиқариш учун карбонат етказиб беради. Мамлакат шу вақтгача чет эллан цемент сотиб олиш учун анчагина маблағ сарфлар эди. Республиканинг энг асосий ер ости бойликларидан бири—қалайи запасларини белгилаш соҳасида ҳам икки мамлакат геологларининг ҳамкорлиги давом этмоқда.

(ТАСС).

МУҲИМ ҚАДАМЛАР

Афғон халқи Халқ демократик партиясга раҳбарлигида Аминнинг қонли режимини тугатган пайтдан бери атиги бир ой ўтди, лекин шу қисқа муддат ичида янги босқичга кирган Апрель революцияси олга қараб ғоят муҳим қадамлар қўйди, деди Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитети Бош секретари, АДР Революцион Кенгаши Раиси ва АДР Бош министри Бабрак Кармал совет журналистлари билан суҳбатда.

АДР СССРнинг қардошларча ёрдами билан Афғонистоннинг ҳозирги душманларига муносиб зарба бермаганда, деди у, халқимизнинг асрлар бўйи қилиб келган орзусига мос бўлган революцион силжишлар ва ўзгаришлар содир бўлмас эди.

Пекин ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқнинг тескарийчи доиралари билан баҳамжиҳат ҳаракат қилаётган империалистлар, деб таъкидлади Бабрак Кармал, қуролли нигоғарлик, тазйиқ, таҳдид ва туҳмат қилиб тарих гилдирагини орқага буришга уриниб келдилар ва ҳозир ҳам уринмоқдалар. Бу кучларнинг мақсади дастлаб революцияни ўз ичидан бузишга, партиямизни ва унинг кадрларини тугатишга, Афғонистонда Америка империализмига итоатгўй диктаторлик режимини ўрнатишга, шундан кейин бу режимга суяниб Эрон революциясига ҳам даҳшатли зарба беришдан иборат эди. Амин тўдасининг тугатилиши мана шу ёвуз ниятларни тамомила барбод этди.

Революциянинг ҳозирги даври, деди сўзини давом эттириб Бабрак Кармал, аввало бутун халқнинг ва Афғонистон Халқ демократик партиясининг мустаҳкам бирлиги, шу йилнинг бошида ўзининг ўн беш йиллигини нишонлаган партиянинг роли кучайганлиги билан характерлидир. АДР раҳбарлиги олаётган минг-минглаб мактубларда мамлакат аҳолиси турли табақаларининг вакиллари АХДП Марказий Комитетини ва АДР ҳукуматини тўла равишда қўллаб-қувватлаётганликларини билдирмоқдалар, мамлакатда революцион ислоҳотларни амалга ошириш ва ривожлантиришда, янги, эркин ва мустақил Афғонистонни барпо этиш учун курашда актив қатнашишга қатъий бел боғлаганликларини таъкидламоқдалар.

Мамлакатимиз тарихида биринчи марта бутун халқ кенг миллий фронти тузилмоқда, деди Бабрак Кармал. АДРда чинакам революцион тартиб ва қонунчилик тикланганлиги, сўз ва диний эътиқод эркинлиги таъминланганлиги ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Умумий амнистия тўғрисидаги декрет қамоқхоналар эшигини очди. Минг-минглаб кишилар, шу жумладан АХДПнинг кўпгина аъзолари, мамлакатнинг ҳақиқий ватанпарварлари озодликка чиқдилар.

Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитети ва АДР ҳукумати ҳозирги вақтда катта ва мураккаб халқ хўжалиги проблемаларини ҳал этиш устида иш олиб бормоқда, деди Афғонистон раҳбари.

Бабрак Кармал ўз сўзининг охирида мамлакат мустақиллигини, суверенитетини ва территориал бутунлигини ҳимоя қилиш ишида СССРнинг АДРга берган иқтисодий, сиёсий, маънавий ва ҳарбий ёрдами учун афғон халқи номидан Совет ҳукуматига, бутун совет халқига самимий миннатдорчилик билдирди.

(ТАСС).

ТАНЮГ АГЕНТЛИГИНИНГ ХАБАРИ

БЕЛГРАД. 29 январь. (ТАСС). ТАНЮГ агентлиги 20 январь куни операция қилинган ЮСФР президенти И. Броз Тито соғайиб бораётганлиги ва Любляндаги клиникада давоблашишни давом эттираётганлиги ҳақидаги хабарни эълон қилди. Унинг саломатлиги яхшиланиб бормоқда.

Агентликнинг хабар беришича, И. Броз Тито ўзининг баъзи одатдаги вазифаларини бажара бошлаган.

(ТАСС).

ХАРОБ ҚИЛУВЧИ ДОВУЛ

ПАРИЖ. (ТАСС). Франциянинг денгиз нариёғидаги департаменти бўлмиш Реюньон оролига даҳшатли довул ёпирилди. Баъзи пайтларда шамолнинг тезлиги соатига 240 километрга етди. Табиий офат натижасида 11 киши ҳалок бўлди, 2000 уй қаровбага айланди, 6000 га яқин киши бошпанасиз қолди. Оролнинг баъзи районларини сув босди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ДУБЛИН. Ўтган йили Ирландияда мамлакат меҳнаткашларининг забастовкалари натижасида 1 миллион 427 минг иш куни йўқотилган. Ирландия меҳнат министрлиги ана шу ҳақда хабар берди.

1979 йилда мамлакатда ҳаммаси бўлиб ишчи ва хизматчиларнинг 133 забастовкаси бўлиб ўтди. Улар иш ҳақининг оширилиши ва меҳнат шароити яхшиланиши учун курашдилар.

● МАПУТУ. Жанубий Африка Республикасидаги олтин конларида ишлаётган 400 минг африкалик ишчининг қисмати ниҳоятда қийин шароитларда оғир меҳнат қилиш, доимо ҳалок бўлиш ёки майиб бўлиб қолиш хавфи остида яшашдан иборат. Жанубий Африка Республикаси шахталари ва конлари палатасининг маълумотларига кўра, 1979 йилнинг ўзидагина корхона эгаларининг техника хавфсизлиги энг оддий қоидаларига риоя қилмаганлиги натижасида 524 киши ҳалок бўлган.

● БАҒДОД. Ироқ пойтахтида Форс кўрфази мамлакатларининг соғлиқни сақлаш министрликлари конференцияси ўз ишини тугатди. Конференция қатнашчилари қабул қилган якунловчи ҳужжатда хавфли касалликларга қарши кураш ва уларнинг олдини олиш ҳаракатини янада мувофиқлаштириш зарур эканлиги таъкидлаб ўтилди. Конференцияда Форс кўрфази мамлакатларининг безгак касаллигига қарши кураш учун махсус фонд ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

● ЛОНДОН. Хусусий кишилар қарамоғидаги металлургия корхоналарининг ўн мингдан ортиқ меҳнаткашлари Англиядаги йирик «Бритиш стил» давлат корпорациясидаги 100 минг ишчининг забастовкасига қўшилди. Улар «Бритиш стил» меҳнаткашлари курашини қўллаб-қувватлаб, иш ҳақининг оширилишини ва иш билан таъминланиш гарантиялашни талаб қилмоқдалар.

(ТАСС).

ИЛҒОР ЖАМОАТЧИЛИК ҚОРАЛАМОҚДА

Империализмнинг ва халқаро реакциянинг афғон халқига қарши агрессив кирдикорларини бутун дунёнинг илғор жамоатчилиги қораламоқда.

БАЙРУТ. Мисрнинг ҳозирги раҳбарлари Америка империализмига эргашиб бориб, Афғонистонга қарши қўпорувчилик ҳаракатларида жон-жаҳди билан қатнашмоқда, деб ёзади Ливаннинг Лондонда нашр этиладиган «Ўрубба валь-араб» ҳафталиги.

Маълум бўлишича, деб таъкидлайди журнал, Садатнинг шахсан берган кўрсатмасига биноан, Мисрнинг масъул кишилари АДРга нисбатан катта қўламдаги қўпорувчилик ҳаракатларини ташкил этиш ва ўтказишда МРБ билан кенг миқёсда ҳамкорлик қилмоқдалар. Кейинги кунларда Миср территориясида афғон террорчиларининг махсус лагерлари ташкил этилди. Бу гаванда-лар тегишли тайёргарликдан ўтказилгач Афғонистонга юборилади. Бундан илгари Миср маъмурлари сотқинларга таълим бериш учун Покистонга «ўз мутахассислари»ни юборган эди. Қоҳира Афғонистонга қарши курашаётган қуролли газандалар учун Покистонга кўп миқдорда қурол-ярог юборибгурибди.

ҚОҲИРА. Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти Америка империализми ва халқаро реакция кучларининг АДРга қарши тўхтовсиз давом этаётган кирдикорларини кескин қоралайди, деди шу ташкилот бош секретари вазифасини ижро этувчи Нури Абдулраззоқ. АҚШ бошчилигидаги империализм туҳмат кампаниясини авж олдириб, халқаро кескинликни кучайтиришдан иборат хатарли йўлдан бормоқда.

ДЕҲЛИ. Ғарб давлатларининг Афғонистон ички ишларига аралашуви тобора кенг миқёс касб этиб, шу райондаги тинчликка хатарли хавф солмоқда, деб ёзади Ҳиндистонда чиқадиган «Мейнстрим» ҳафталиги.

Америка Покистонга кўп миқдорда қурол-ярог юборибгурганлиги, АҚШ билан Хитойнинг ҳарбий соҳадаги ҳамкорлиги кучайиб бораётганлиги ҳозир Осиёнинг барча халқлари учун энг катта хавфдир, деб таъкидлайди ҳафталиги.

(ТАСС).

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«АЙНИ МУДДАО БЎЛАРДИ»

Юқоридаги сарлавҳа остида босилган (газетанинг ўтган йил 12 декабрь сони) танқидий мақолада Собир Раҳимов районидаги Чуқурсой кўчасида «Союзпечать» киоскаси йўқлиги ҳамда «Ташлимводторг»га қарашли 41-дўкон номаълум сабабларга кўра ишламаётгани кўрсатилган эди.

Шу мақола юзасидан СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ редакциямизга жавоб йўллаган. Унда мақолада қайд қилинган фактлар тасдиқланган, текшириш якунлари «Ташлимводторг»нинг район базаси коллективи ғиғилишида муҳокама этилгани маълум қилинади. Чуқурсой кўчасида «Союзпечать» киоскаси очишга қарор қилинди. У меҳнаткашларга яқин кунларда хизмат кўрсата бошлайди. Спиртсиз ичимликлар билан савдо қилувчи 41-дўкон эса бошқа жойга кўчирилди. Ҳозир у нормал ишлаб турибди.

«ГРАФИК БУЗИЛМАСИН»

Шу сарлавҳа билан босилган (1979 йил 12 декабрь) мақолада 10-троллейбус маршрутидаги айрим камчиликлар тилга олинган эди.

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС БОШҚАРМАСИдан олинган жавобда фактлар тўғри бўлиб чиққани, мазкур маршрутдаги троллейбусларнинг ҳаракати нормал йўлга қўйилгани ва умуман, маршрутда йўл қўйилган бошқа камчиликларни тугатиш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланганлиги хабар қилинади.

КАМЧИЛИКЛАР ТУГАТИЛАДИ

ХОВОС РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ: ховослик газетхон Т. Назаровнинг редакцияга ёзган хатида Жўрахон Усмонов номли совхозда меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш талаблар даражасида эмаслиги таъкидланган эди.

Ўртоқ Назаровнинг эътирозлари тўғри. Совхоз янги ташкил этилганлиги учун ҳам маданий-маиший хизматдаги айрим камчиликлар ҳозирча тугатилгани йўқ. Яқинда совхознинг бош плани тасдиқланди. Ана шу планга асосан қатор объектларда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Хўжаликнинг ҳозирги маркази хутор сифатида тугатилиши керак. «Хўжамушкент» сув омборининг фойдаланишга топширилиши эса янги ерларни ўзлаштириш имкониятини яратди. Совхоз марказини водопроводлаштириш ишлари давом этмоқда. Участка касалхонасига шу йилнинг ўзида «Тез ёрдам» машинаси ажратилади. Бош план асосида совхозда маданий-маиший объектлар қурилиши кўзда тутилган. Газетхон хатида кўрсатилган бошқа камчиликларни ҳам тугатиш чоралари кўрилмоқда.

АХБОРОТ

ДИЛ САТРЛАРИ

ТАЪЗИМ ҚИЛАМАН

Ишлигимда оғир дардга чалинган эдим. Касалхоналарда даволандим. Лекин соғлиғим яхшиланмади. Руҳим жуда тушиб кетган эди.

Касаллигимни фақат операция йўли билан даволаш мумкин деган хулосага келган шифокорлар Тошкентга йўлланма беришди. Ниҳоят ўтган йилнинг охирларида Бутуниттифоқ клиник ва экспериментал хирургия илмий-текшириш институтининг Тошкент филиалига даволанишга кетдим. 1977 йилнинг 5 декабрида моҳир жарроҳ Эркин Исломбеков бошчилигида мени операция қилишди. Операция муваффақиятли чиқди. 15 йилдан бери мени қийнаб келган дарддан фориғ бўлиб, яна ҳаёт қучоғига қайтдим. Кўпчилик собиқ беморлар қатори мен ҳам мазкур шифобахш масканнинг қўли енгил шифокорларига минг бор таъзим қилиб, уларнинг ниҳоятда қийин ва оliжаноб ишларида улкан муваффақиятлар тилайман.

Ш. РЎЗИМЕТОВ,
Янгиариқ районидаги «Коммуна» колхози.

МИНГ РАҲМАТ!

35 йилдан буён ўқитувчи бўлиб ишлайман. Улуғ Ватан урушининг иштирокчисиман. Унта фарзандим бор. 1975 йилда оғир касалликка дучор бўлдим. Дастлаб юқумли касалликлар шифохоналарида даволандим. Лекин фойдаси бўлмади. Врачларнинг маслаҳати билан Самарқанддаги биринчи область касалхонасига бордим. Бу ерда мени жуда яхши кутиб олишди ва операцияга тайёрлашди. 1975 йил 9 декабрда операция қилиб, ўт йўлидаги тошни олиб ташлашди. Ўшандаги беш соат давом этган операцияда шифокорлардан Қулжонбой Ботиров, Азимжон Алиев ва бошқаларнинг менга кўрсатган меҳр-шафқати ҳамон кўз ўнгимда. Орадан вақт ўтишига қарамай соғлиғим тикланавермади. 1976 йил 23 июлда иккинчи марта операция қилишди. Лекин касаллик ҳамон хуруж қиларди. Шунинг учун ўтган йилнинг май ойида Қ. Ботиров ва Р. Розиқовлар мени учинчи бор операция қилишди. Ҳозир ўзимни жуда яхши хис қилмоқдаман. Жарохатлар ўрни битиб кетди, ҳатто касалликни унутдим. Лекин мени сўнгги нуқтадан яна ҳаётга қайтарган саломатлик посбонларининг мен каби кўплаб беморларга кўрсатаётган беминнат хизматларини, меҳр ва мурувватларини асло унутмайман.

А. ХОЛМУРОДОВ,
Ғаллаорол районидаги 34-мактаб ўқитувчиси.

БИР ОЛАМ ҚУВОНЧ

Оилада бир киши касалликка чалинса, ҳамманинг ороми бузилади. Умр йўлдошим Норжон Раҳимова қаттиқ оғриб қолди. Ҳарорати қирқ даражада. Уни зудлик билан Боғот район касалхонасига олиб бордик. Беморни хирургия бўлимига ётқизишди. Шифокорлар далда бериб, кўнглимни кўтаришди. Н. Бекжонов, Ж. Дурдибоев, С. Тожибоева каби шифокорлар бор билимларини ишга солиб, хастани даволай бошладилар. Ниҳоят бир неча ой даволангач, у бир олам қувонч билан хонадонимизга қайтди.

Р. МАТНАЗАРОВ,
Боғот районидаги «Коммуна колхози.

* * *

Шунингдек, газетхонлардан **Н. Жумабоева, Ю. Еқубов,** (Хоразм), **Н. Каримова, Р. Қўлдошев** (Сирдарё), **Ж. Уринов** (Бухоро), **А. Раҳимқулов, М. Маматқулова, М. Рустамов** (Самарқанд), **М. Рўзимов** (ҚҚАССР), **У. Холиқов** (Андижон) **М. Усмонова** (Тошкент) ва бошқалар ҳам саломатлик посбонларининг олижаноб ишлари ҳақида ва бошқа мавзуларда хабарлар йўллашган.

ХАЛҚ ТАЛАНТЛАРИ

ҚИШЛОҚ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ХАЗИНАСИ

«Гулхан» журналида расми босилиб чиққан актив авторлар орасида Наманган областининг Янгиқўрғон районидаги 49-ўрта мактаб ўқитувчиси Оташ Холмирзаевнинг ҳам сурати бор. Тошкентдаги «Ёш гвардия» нашриёти унинг учта шеърий тўпламини босмадан чиқарди. «Шарқ юлдузи» журнали О. Холмирзаевнинг «Мусаффо осмон остида» деган биринчи повестини чоп этиш учун қабул қилиб олди. Педагог адиб ўзини таржимон сифатида ҳам намойиш этди. У қирғиз ёзувчиси Д. Мавлоновнинг «Буюклик» романини ўзбек тилига таржима қилди.

Жанубий Тиёншон ёнбағирларида жойлашган узоқ қишлоқ ўқитувчисининг адабий фаолияти оддий қизиқишгина бўлиб қолмай, бу нарса муаллимга она тили ва адабиётдан дарсларни қизиқарли ўтишга кўмаклашмоқда. Холмирзаев ўн беш йилдан кўпроқ вақтдан бери мактабдаги халқ ижодий тўгарагига раҳбарлик қилади. У ҳар йили ёз ойларида жонажон ўлка бўйлаб болаларни экспедицияга олиб боради. У ўқувчиларни халқ достонлари, эртаклари ва қўшиқларини тушуниб ёзиб олишга, улардаги чуқур маъноні ва халқ донишмандлигини очиб беришга ўргатади.

Оташ Холмирзаев мактабда ўқиб юрган вақтларидаёқ бахшиларнинг асарларини ёзиб ола бошлади. У чорак асрдан бери ўзининг бўш вақтларини халқ ижодиёти асарларини, айниқса, достонларни тўплаш ва уларни қайта ишлашга бағишлайди. Адабиёт ихлосманди Фарғона водийсининг ўнлаб қишлоқларини кезиб чиқди. Қирғизистоннинг қўшни Ўш областида бўлди, кўпгина достончилар билан учрашди. Анчагина унутилган фольклор асарларини қидириб топиб қайта тиклади. О. Холмирзаев Наманган областининг районларидаги кўпгина халқ достончилари билан мустаҳкам алоқа боғлаган. Муаллим юзлаб халқ достончиларининг XVIII асрда яшаган Шўрхонбахшидан тортиб то ҳозирги кунда яшаб турган достончиларимизнинг ворислигини исбот этди. Унинг «Фарғона водийси халқ ижодиётида «Гўр ўғли» достонининг тутган ўрни» илмий асари ана шу изланиш натижаси бўлди.

Қишлоқ ўқитувчиси тўплаган халқ ижодиёти асарларининг машинкада ёзилган 40 та томи сақланмоқда. Оташ Холмирзаев ҳар бир томнинг биттадан нусхасини Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига туфҳа қилди.

Р. БИЧУРИН,
(ЎзТАГ).

Тошкент давлат цирки ареносида биринчи марта Валерий Кузьмин раҳбарлигида ўргатилган бўғма илон билан тимсоҳлар ва бошқа турли программалардан иборат томошалар муваффақиятли намойиш қилинмоқда. Суратларда: цирк томошалари.

С. Маҳкамов фотолари.

ОЛТИН ҚУМ ҚАҲРАМОНЛАРИ

ЖУРНАЛЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

Айрим ҳолларда бадиий асарнинг ижобий фазилати муаллифнинг қўл урилмаган ёки кам «ишланган» мавзуга мурожаат қилиши билан ҳам изоҳланади. Шу маънода ёзувчи С. Кароматовнинг «Олтин қум»* романи кейинги йилларда юзага келган қатор асарларидан ажралиб туради.

«Олтин қум»да қимматбаҳо маъдан қидирувчи геологларнинг романтик ҳаёти, уларнинг қийинчиликлари, турмушдаги ўзига хос машақкатлар, кўпчилик соҳа кишилари ҳаётидан бутунлай фарқланиб турадиган меҳнат жараёни, уларнинг ўзаро муносабатлари чуқур ва таъсирли ифода этилган. Китобхон эсида узоқ сақланиб қоладиган эпизодлар яратилган. Булар шубҳасиз, асардаги қаҳрамонларнинг ҳаёти, уларнинг характерлари, маънавий олами, курашлар, драматик ҳолатларнинг таъсир кучи, уларнинг китобхонга бахш этадиган эстетик қудрати билан боғлиқ томонлардир.

Романдаги асосий воқеалар, унинг бош қаҳрамони Шерали Алиевнинг фаолияти билан, чамбарчас боғлиқ ҳолда кечади. Ёзувчи бош қаҳрамонининг руҳий оламини, шахс сифатидаги фазилатларини, интилишларини, муҳаббат ҳақидаги қарашларини таъсир кучи, унинг оддий бир геолог аспирантдан академик, Ленин мукофоти лауреати даражасигача бўлган ҳаёт йўлини тасвирлайди. Шунинг учун ҳам асардаги бирон воқеа, бирон ҳодиса ҳам Шерали фаолиятисиз кечмайди. Том маънода айтганда бош қаҳрамон асар воқеаларининг асосий ядросини ташкил этади. Бу эса китобхон кўз ўнгида воқеалар, образ ва характерлар динамикасининг янада ёрқинроқ ифода этилишини таъминлайди.

Романда Шерали Алиев образининг такомилини, унинг характер сифатида шаклланишини таъминловчи омиллар бор. Шералининг йигитлик чоғи уруш даврига тўғри келади. У эл қатори фронтга отланади-ю, лекин «яроқсиз» деб топилади. Бундан қаттиқ изтироб чекади. У ўз олдига қўйган мақсадга — металл маъдан топишга жон-дили билан қатъий киришади. Бу йўлда у ўзи дуч келиши мумкин бўлган ҳар қандай қийинчиликлардан чўчимайди. Асарни ўқир экансиз, Шерали характери ана шу қийинчиликлар жараёнида мукаммаллик касб этиб боргани шоҳиди бўласиз.

Шерали Алиев атрофидаги олимлар аксариятининг мураккаб ички дунёси ишонарли ифода этилган. Ёзувчи Шералининг оддий кишилар билан муносабатини ҳам, илмий фаолиятини, ижодий изланишларини ҳам чамбарчас боғлаб тасвирлай олган. Натижада Шерали Алиев сохталик, кўзбўямачиликка тоқат қила олмайдиган, машақкатли экспедициялар, мураккаб тадқиқотлардан завқ-шавқ оладиган ҳалол, принципиал олим сифатида жонланади.

Алиевнинг маъдан топиш эпизоди асарда алоҳида ўрин тутади. Узоқ машаққатли изланишлардан сўнг маъдан топган олим ҳовлиқиб кетмайди. Биз уни босиқ, вазмин ҳолда кўрамиз.

Шералининг мураккаб тақдири китобхонни қаяжонга солади. Айниқса, унинг Сабогулга бўлган ғоҳиали муҳаббати кишини ўйлантириб қўяди. Сабогул турмушга чиққан! Эри урушда ҳалок бўлади. Шерали эса унга кўнгил қўяди. Ёзувчи уларнинг муҳаббатини бор мураккабликлари билан беришга интилган. Шерали Сабогулга ҳарчанд интилмасин, аёлнинг юрагида ҳам бўлак бир ўт бор: «Нима қилай, Шерали акажон! Айтинг! Юрагим ёнянти. Лаънат ўша мени бахтиқаро қилган урушга, минг лаънат!»

Бафодорлик, садоқат каби муқаддас туйғулар ифода этилган шу сўзларни ўқиб, беихтиёр урушни қоралаймиз. Севиб-ми, севмай-ми турмушга чиққан эрига унинг ўлимидан сўнг ҳам содиқ бўлиб қолган Сабогулни севиб қоламиз.

Доҳий Ленин йўлланмаси билан Тошкентга юборилган олимлардан бири Павел Иванович характери ҳам китобхон ёдида узоқ сақланиб қолади. Ҳар қандай шароитда ўзини тута биладиган, шогирдларга бениҳоя ғамхўр, ўта камтар ва маълум маънода ҳокисор бу олимнинг ҳаёт тарзи китобхонни ҳаяжонга солади.

Илмга қандайдир йўллар билан кириб келган Гуревич ва Огажон каби шахсларнинг кирдикорларини ёзувчи аянчсиз тарзда «фош» эта олган. Улар ўзининг шахсий манфаатлари йўлида ҳар қандай яхши ният билан амалга оширилаётган ишларга халақит бериши, ҳатто давлат манфаатларини унутиб қўйишгача бориши ишонарли баён қилинган.

«Олтин қум» романида салкам ярим асрлик воқеалар қаламга олинган. Лекин ёзувчи қаҳрамонининг ҳаётидаги асосий бурилиш нуқталарини олиб, энг драматик ҳолатларини тасвир этган.

Шу ўринда асарнинг бир жиҳатини таъкидлаб ўтишни истар эдик: романдаги кўпгина воқеалар тоғларда кечганлиги сабабли ёзувчи айрим ўринларда тоғликлар ҳаётини геологлар ҳаёти билан боғлаб тасвирлайди. Аниқрат холага дахлдор воқеалар, тўйлар тасвири асарда ўзига хос ўрин тутади. Китобхонни бетакрор тоғликлар ҳаёти огушига олиб киради.

Асарда айрим қусурлар ҳам йўқ эмас. Баъзи ўринларда баёнчилик сезилади. Шунингдек, Шералининг яқин дўстлари, доимо у билан ёнма-ён ҳаракат қилган Омон ва Каримларнинг шахс ва олим сифатидаги маънавий олами ўқувчини қаноатлантирадиган даражада очиб берилмаган. Булардан қатъи назар геологларимиз ҳаёти чуқур ўрганилиб, ифода этилган «Олтин қум» романи китобхонларимизга манзур бўлишига ишонамиз.

Еқуб ЯКВАЛХУЖАЕВ.

* С. Кароматов. «Олтин қум». Роман. «Шарқ юлдузи», 1979 йил, 4-5-6-сонлар.

ФЕВРАЛЬ ОБ-ҲАВОСИ

Ўрта Осиё регионал гидрометеорология маркази хабар қилади

Январь ойида ўртача ойлик ҳарорат республиканинг кўпчилик районларида нормага яқин ва нормадан ортиқ, шимолий районларда эса нормадан паст келди. Февралда ўртача ойлик ҳарорат нормага яқин, Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида нормадан бир оз паст бўлиши кутилади.

Ой давомида қисқа муддатли совуқ бўлиб туриши, ҳарорат кечаси 4 даража совуқ билан бир даража иссиқ атрофида бўлиши кутилади. Кундузи 3—8 даража, жанубда— 10—15, кечаси 2—7 даража иссиқ бўлади. Совуқ тушган пайтларда ҳарорат кечаси 5—10 даража совуқ, кундузи 0—5 даража иссиқ, республиканинг шимолий районларида кечаси 9—14, кундузи 2—7 даража совуқ бўлиши кутилади.

Ой давомида ёғингарчилик миқдори нормага яқин ва нормадан кам бўлиб, туман тушиб туради, ёмғир ва қор ёғиши кутилади.

● СПОРТ ● СПОРТ ●

ҚИЛИЧБОЗЛИК:

ОЛИМПИАДАГА МУНОСИБ НОМЗОД

Тошкентлик жаҳон чемпиони халқаро классли спорт мастери Собир Рўзиев Москва Олимпиадасига пухта ҳозирлик кўраётганлигини амалда кўрсатди. У мавсум бошида ўтказилган дастлабки мусобақада муваффақият қозониб, мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Собир куни кеча Белоруссия пойтахтида рапирачи йигитлар ўртасида ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақасида ғолиблик супасининг юқори поғонасига кўтарилди. 48 нафар спортчи иштирок этган мусобақа Олимпиадага номзодларни саралаш тарзида ўтказилди. Вакилимизнинг қўлга киритган ютуғи шу жиҳатдан ҳам айниқса қувонарлидир. Собир Рўзиев яна 1/0 кундан кейин байроғи кўтариладиган Олимпиада ўйинларида ҳам юқори натижаларга эришади, деб умид қиламиз.

БЕЛЛАШУВЛАР, ТУПЛАР, ОЧКОЛАР

● **СУВ ТУПИ.** Москвада СССР ва Венгрия терма командалари ўртасида халқаро ўртоқлик учрашувлари (3:2, 8:7) ўтказилди. Совет терма командаси составида тошкентлик Эркин Шагаев ҳам иштирок этди.

● **ЧАВАНДОЗЛИК.** Ватанимиз пойтахтида янги қурилган устн берн отчопарда ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақаси якунланди. Москвалик чавандозлар биринчи бўлишди. РСФСР ҳамда Ўзбекистонлик суворийлар фахрли иккинчи ҳамда учинчи ўринни эгаллашди. Республикамиз чавандозларидан Ю. Ковшов, А. Ахметшин ва В. Дворяниновлар Олимпиада йили бошида ўтказилган дастлабки мусобақада яхши натижа кўрсатдилар.

● **ФУТБОЛ.** Москвада «Неделя» ҳафталиги совғини учун ўтказилган халқаро турнир якунланди. Бу сафар мамлакат чемпионлари — москвалик спартакчилар бош совғини қўлга киритишди. «Пахтакор» футболчилари икки очко билан сўнгги ўринлардан биринн эгалладилар.

ҲАР ТЎҒРИДА

НОЁБ ҚАЙРАҒОЧ

Руминиянинг Бакэу уездидаги Тескани посёлкасида яшовчи композитор Ж. Энескунинг боғидаги қайрағоч табиат ёдгорлиги деб эълон қилинди. Ботаниклларнинг фикрича бу улкан ноёб дарахтнинг ёши 200 да. Унинг бўйи 30 метр келади.

Сўнгги ўн йил мобайнида қайрағочзорлар мамлакатда зараркунандалар туфайли қуриб қолаётган бир пайтда бу ноёб дарахтнинг сақланиб қолиши диққатга сазовор бўлмоқда. Ўрмоншунослар бу қайрағочнинг уруғини экиб, кўчат етиштиришни мўлжалламоқдалар. Уларнинг фикрича уруғдан етиштирилган кўчатлар замбуруғли зараркунандаларга нисбатан чидамлилиги билан ажралиб туради ва қайрағочзорларни яна кўпайтириш имконини беради.

ВЕЛОСИПЕДДА САЁҲАТ

Року Фостен таниқли велосипед пойгачиси ҳисобланади. У Африканинг Раунда шаҳридан ғалати саёҳатга чиқди. 25 ёшли спортчи 28 ой ичида Африка қитъасининг деярли бутун ғарбий қисмини велосипедда босиб ўтди. Қиғалидан икки йилча илгари чиққан пойгачи жуда ёмон йўлларни, чақалакзорларни, чексиз қумликлар ва ярим даштларни, Сахрои Кабир қумликларини босиб ўтди. Даккар эса Ғарбий Африка бўйлаб қилинган машаққатли саёҳатнинг сўнгги пункти бўлди.

Року Фостен энди Сенегал пойтахтидан чиқиб Европа ва Осиёни айланиб, Шарқий Африка йўллари орқали ўз юртига қайтиб боришни мўлжалламоқда. Велосипед спортчиси ўзининг саёҳати тўғрисида болалар учун китоб ёзишни орзу қилади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КОЛХОЗЛАР, ХЎЖАЛИКЛАРАРО КОРХОНАЛАР (ташкилотлар), СОВХОЗЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИ ТАРМОҒИДАГИ БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕ БОШ БОШҚАРМАСИ

КОЛХОЗЛАР, ХЎЖАЛИКЛАРАРО КОРХОНАЛАР (ташкилотлар), СОВХОЗЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИ ТАРМОҒИДАГИ БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИГА

ЎЗБЕКИСТОН ССР СТРАХОВАНИЕ ОРГАНЛАРИ

1980 ЙИЛ УЧУН

КОЛХОЗЛАР, ХЎЖАЛИКЛАРАРО КОРХОНАЛАР (ташкилотлар), СОВХОЗЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИ ТАРМОҒИДАГИ БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯ СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИНИШИ КЕРАК БЎЛГАН МУЛКЛАРИНИ

ҲИСОБГА ОЛИШГА КИРИШГАНЛИКЛАРИНИ

БИЛДИРАДИ

КОЛХОЗЛАР, ХЎЖАЛИКЛАРАРО КОРХОНАЛАР (ташкилотлар), СОВХОЗЛАР ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИ ТАРМОҒИДАГИ БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИНИНГ ҚУЙИДАГИ МУЛКЛАРИ ДАВЛАТ МАЖБУРИЙ СТРАХОВАНИЕСИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили (табиий пичанзорлардан ташқари);

қишлоқ хўжалик ҳайвонлари, уй паррандалари, қўёнлар, мўйнали ҳайвонлар, асаларилар;

бинолар, иншоотлар, узатувчи қурилмалар, машиналар, транспорт воситалари, асбоб-ускуналар, овчилик кемалари, овлаш қуроллари, инвентарлар, хом ашё маҳсулотлари, материаллар ва кўп йиллик дарахтлар.

КОЛХОЗЛАР, ХЎЖАЛИКЛАРАРО КОРХОНАЛАР (ташкилотлар), СОВХОЗЛАР ВА БОШҚА ДАВЛАТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШ ТЎЛОВЛАРИНИ СТАВКАЛАР БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛАРДА ТЎЛАЙДИЛАР:

биринчи муддат — 1 июлгача, 30 процент миқдорида;
иккинчи муддат — 25 сентябргача, 30 процент миқдорида;
учинчи муддат — 1 ноябргача, 40 процент миқдорида.

Тўловлар СССР давлат банки бўлимларидаги давлат страхование инспекциясининг счётига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Колхозлар, хўжаликлараро корхоналар (ташкилотлар), совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналари страхование тўловларини белгиланган муддатда тўлаб боришлари лозим.

Страхование тўловлари белгиланган муддатларда тўланмаган тақдирда, тўланмаган пул алоҳида жорий счётларидан ташқари давлат ва кооператив корхоналари ҳамда ташкилотларидан бюджет тўловлари бўйича белгиланган тартибда жорий счётларидан ушлаб қолинади.

Тўловларни кечиктириб тўлаганлик учун ҳар бир кечиктирилган кунга 0,05 процент ҳажмида устама ундирилади.

Колхозлар, хўжаликлараро корхоналар (ташкилотлар), совхозлар ва Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги тармоғидаги бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг мол-мулкларини тўғри ва ўз вақтида давлат мажбурий страхованиесига ўтказишнинг катта хўжалик-сиёсий аҳамияти борлигини ҳисобга олиб Ўзбекистон ССР Давлат страхование Бош бошқармаси колхозлар, хўжаликлараро корхоналар (ташкилотлар), совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг барча раҳбарларидан, бош бухгалтерларидан, экономистлар ва бошқа мутахассисларидан страхование тўловларини тўғри белгилашда давлат страхованиеси инспекцияси ходимларига ҳар томонлама яқиндан ёрдам беришларини илтимос қилади.

Страхование қилинган мол-мулклар табиий офат туфайли шикастланса ёки нобуд бўлса колхозлар, хўжаликлараро корхоналар (ташкилотлар) совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари бу ҳаққа давлат страхование инспекциясига дарҳол хабар беришлари лозим. Страхованиенинг ходимлари нобуд бўлган ёки шикастланган мол-мулкларнинг миқдорини аниқлаб, кўрилган зарар учун страхование ҳақини тўлайдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕ БОШ БОШҚАРМАСИ.

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1/II да — БИР АКТЛИ БАЛЕТЛАР.
2/II да — ТРАВИАТА.
3/II да — ЭТИК ҚИЙГАН МУШУК (12.00), ДОН КИХОТ (19.00).
5/II да — ДИЛОРОМ.
6/II да — ЖИЗЕЛЬ.
7/II да — ПИКОВАЯ ДАМА.
8/II да — СЕВГИ ҲАҚИДА ҚИССА.
9/II да — ПЕТР БИРИНЧИ.
10/II да — ЗОЛУШКА (12.00), РИГОЛЕТТО (19.00).
12/II да — ТОҲИР ВА ЗУҲРА.
13/II да — ОҚҚУШ ҚЎЛИ.
14/II да — ЧИО-ЧИО-САН.
15/II да — ДУНЕНИНГ ЯРАТИЛИШИ.
16/II да — БОРИС ГОДУНОВ.
17/II да — ОЛОВИДДИНИНГ СЕҲРЛИ ШЛЯМЧИРОҒИ (12.00), СЕВГИ ҲАҚИДА АФСОНА (19.00).
19/II да — МАЙСАРАНИНГ ИШИ.
20/II да — ЖИЗЕЛЬ.
21/II да — КНЯЗЬ ИГОРЬ.
22/II да — КОНЦЕРТ.
23/II да — УЙҚУДАГИ МАЛИКА.
24/II да — ЗОЛУШКА (12.00), БЎРОН (19.00).
26/II да — ФЛОРИЯ ТОСКА.
27/II да — ДУНЕНИНГ ЯРАТИЛИШИ.
28/II да — СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ.
29/II да — КОРСАР.

СПЕКТАКЛЛАР СОАТ 19.00 ДА БОШЛАНАДИ.

Билетлар театр кассасида соат 11.00 дан бошлаб сотилади.

Справкалар олиш учун телефон — 33-90-81.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 31/I да **Дон Карлос,** 1/II да **Бир актли балетлар.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 31/I да **Шошма, қўйш!**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 31/I да **Тошболта ошиқ,** 1/II да **Йиллар ўтиб.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 31/I да **Можаро.**

Наманган область Учқўрғон районидаги Ленин номли совхоз коллективи Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод, область Советининг депутати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор, совхоз директори

Фозил Маҳмудович ТУРСУНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ва СССР адабиёт фондининг Ўзбекистон бўлими СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси К. Қаҳҳоровага онаси

Мушаррафой АБДУРАЗЗОҚОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси коллективи редакция ходими Ю. Зиёдовга онаси

Ҳайри ЗИЁДОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Горичлар, қаердасиз! 10.35 — Қирғоқлар. Бадиий фильм, 2-серия. 11.45— Иккинчи торли квартет. 12.15 — Ҳужжатли фильм. 13.00 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.40 —Шахмат мактаби. 16.10 — Рус тили. 16.40 — Биз билан бирга, ҳудди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар. 17.40 — Халқаро конкурслар лауреати В. Вишневский ижро этади. 18.00 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Расмларда қўйш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Миллионлар ленинча университети. 20.00 — Халқ оҳанглари. 20.15 — Қирғоқлар. Бадиий фильм, 3-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Хилма-хил чехралар. 23.15 — Дунё воқеалари. 23.30 — Фильм-концерт.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Мультфильм. 11.45— Телеспектакль. 13.00 — Фильм-опера. 13.35 — Бунинг менга дахли йўқ. Бадиий фильм. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллиги олдидан. 18.50 — Ўзимизнинг ишчи депутат. 19.00— Жанговар постда. 19.30 — Ахборот 19.45 — Ешлик. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Рақҳоса ҳиром этганда. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.20 — Телевизион театр. 23.20 — Олий лига аёллар командалари ўртасида волейбол бўйича СССР чемпионати.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Эстетика асослари. 20.55 —Реклама. 21.10 — Химия.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Шу кунинг қўшиқлари. 9.30 — Бадиий ҳаваскорлик коллективлари ижро этадилар. 10.40 — Ленинома программаси. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Катта ишонч. 13.30 — Музикали Тошкент. 14.00 — Қишда ҳам ёздагидек. 18.30 — Сайлов кампанияси кундалиги. 18.40 — Ешлик. 19.45 — Х. Азимовнинг камер пьесалари. 20.25 — Ўзбек куйларидан концерт. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — В. Гофуров. Муҳаббат Хиҳоя. 21.30 — Чорвадорлар учун концерт. 22.28 — Ўзбек операларидан ариялар. 23.20 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18 саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-31-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-55-35, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-55; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94 Нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Р. 07050. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64585. Б. — 25. 3